

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

46-47-сон
(286-287)
2007 й.
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртиничи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

463. «Ички тармоқ ва тармоқларо саноат кооперациясини янада кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 ноябрдаги ПФ-3937-сон Фармони

464. «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-727-сон қарори

465. «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жихозлаш Даствури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 ноябрдаги ПҚ-731-сон қарори

466. «Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 ноябрдаги ПҚ-732-сон қарори

467. «Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига сотишни такомиллаштириш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 ноябрдаги ПҚ-733-сон қарори

Учинчи бўлим

468. «Саноат учун аҳамиятини ўйқотган ёки кейинчалик ўтказилган геология-қидирав ишларида ёхуд конни ишга солишда тасдиқланмаган фойдали қазилма захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчининг хисобидан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 9 ноябрдаги 232-сон қарори
469. «ЎзМЕД-лизинг» очик акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 13 ноябрдаги 236-сон қарори
470. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мехнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарорига ўзгартириш киритиш хақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафакалар миқдорини ошириш тўғрисида» 2007 йил 23 октябрдаги ПФ-3931-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 ноябрдаги 239-сон қарори
- +
471. «Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 ноябрдаги 242-сон қарори
472. «Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон қарори
473. «Саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмалар янги конларини очганлик ёки илгари маълум бўлган конларни (конларнинг участкаларини) тубдан қайта баҳолаганлик учун пул мукофотлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 245-сон қарори

Бешинчи бўлим

474. «Товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш хукукини беришни рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2007 йил 17 октябрдаги 72-сонли бўйрги. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 13 ноябрда 1185-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

475. «Ургулук пахта хом ашёси етишириш миқдорини аниқлаш ва унга асосан шартномалар тузиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2007 йил 2 октябрдаги 89, 3/11-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 14 ноябрда 1738-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
476. «Давлат активлари иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналарнинг хисоби ва фаолияти мониторингининг ягона тартиби»ни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 5 ноябрдаги 15, 01/16-18/15-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 16 ноябрда 797-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
477. «1-МОН «Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва жўнатиш бўйича хисобот»ни тўлдириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш давлат қўмитасининг 2007 йил 6 ноябрдаги 18, 13-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 16 ноябрда 1066-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
478. «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида дастурий таъминотлардан фойдаланишга рухсат бериш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 29 сентябрдаги 25/3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 20 ноября 856-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
479. «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 29 сентябрдаги 25/4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 20 ноября 1739-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
480. «Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган хужжатларнинг бошқа намунавий шаклларини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Ташки иктисадий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солик қўмитасининг 2007 йил 5 октябрдаги ЭГ-01/10-5248, 01-02/6-28, 2007-55-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 21 ноября 1740-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 10 ноябрдан 23 ноябргача бўлган маълумот

+

-

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

463 Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперацияси- ни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Қайд этиб ўтилсинки, Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган чуқур, аниқ мақсадга йўналтирилган таркибий ўзгартиришлар кейинги йилларда иқтисодий ривожланишининг юксак суръатларини ва саноатнинг илдам ўсишини таъминлади. Саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 90-йиллар бошидаги 11 фоиздан 2007 йилга келиб 24 фоизгача кўпайди.

Мустақиллик йиллари мобайнида нефть-газ, машинасозлик, электр техника, кимё, металлургия саноатида ўнлаб янги йирик саноат корхоналари барпо этилди. Иқтисодиётнинг янги тармоғи — ривожланган инфратузилмага эга бўлган автомобиль саноати яратилдики, унда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражаси бугунги кунда 60 фоиздан кўпроқни ташкил этади.

Ватанимиз саноати томонидан енгил, юк автомобиллари ҳамда йўловчи автобуслари, полиэтилен, сиқилган ва суюлтирилган газ, кальцийлаштирилган сода, электр техника ва кабел-ўтказгич маҳсулотлари, эластик темир йўл шпаллари, машинасозлик ҳамда бошқа саноат тармоқлари учун эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар каби янги юқори технологик маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Шу билан бирга, вужудга келтирилган саноат салоҳиятидан ҳали етарлича самарали ва тўлиқ даражада фойдаланилмаяпти. Ишлаб чиқариш кувватлари, юқори малакали ишчи кучи, қулай иқлим шароитлари мавжуд бўлгани ҳолда, тайёр саноат маҳсулотининг кўпгина турлари, хом ашё ва материаллар, етарли даражадаги манфаатдорликнинг йўқлиги сабабли кўпинча хориждан қўшимча транспорт харатлари ва валюта сарфлаб олиб келинади, ваҳоланки уларни маҳаллий корхоналарда муваффақиятли ишлаб чиқариш мумкин бўлур эди.

Хусусан, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, рангли металлургия, пахта тозалаш ва тўқимачилик саноатида ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперацияси имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти. Маҳаллийлаштирилаётган ишлаб чиқаришга кичик бизнес корхоналари суст жалб этилмоқда.

Ишлаб чиқаришни мақбуллаштиришда, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришда хўжалик юритувчи субектларга ёрдам бериш, маҳаллийлаштириш жараёнларини кенгайтириш учун қўшимча шартшароитлар яратиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини, аҳолининг иш билан бандлигини ва саноат маҳсулоти ҳажмларини оширишда мавжуд захиралардан фойдаланиш мақсадида:

1. Республика саноатининг тез ривожланиб бораётган тармоқлари учун зарур бўлган, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, савдо ва тўлов балансини мақбуллаштириш имконини берадиган бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, сарфланадиган материаллар ва қайта ишланган хом ашё захиралари ишлаб чиқарадиган ватанимиз корхоналарини хар томонлама қўллаб-кувватлаш, валюта маблағларини биринчи

навбатда илфор технологиялар ва машина-ускуналарни импорт қилишга йўналтириш узок муддатли истиқболни кўзлаб саноатни янада ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаси деб ҳисоблансан.

Қўйидагилар ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада ривожлантиришнинг асосий ўйналишлари этиб белгилансин:

саноат корхоналарининг ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияси доирасида узок муддатли хўжалик алоқаларини шакллантириш ҳамда кенгайтириш учун зарур қонунчилик базасини ва бозор инфратузилмасини яратиш;

ускуналар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни амалга ошираётган корхоналарнинг зарур хом ашё ва кредит захираларидан эркин фойдаланишини таъминлаш;

маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида ҳар йили қабул қилинадиган Дастанларнинг саноат кооперациясини ривожлантиришдаги роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек дастанларга киритилган маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг ўз вақтида бажарилиши учун ижрочиларнинг жавобгарлигини кучайтириш;

янги технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни йирик ва кичик корхоналарда жорий этиш имконини берадиган инновация лойиҳаларини қўллаб-куватлаш ва амалга ошириш учун венчур жамғармаларини, шунингдек инфратузилма обектларини ташкил этиш;

мамлакатимиз корхоналарининг эҳтиёжлари учун, шунингдек экспортга етказиб бериш учун ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришни таъминлаётган корхоналарга маҳаллийлаштириш дастури доирасида солик ҳамда божхона соҳасида имтиёз ва преференциялар бериш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатасининг Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини мунтазам асосда ўтказиб туришни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсан.

Ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш, республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тўғрисида кенг хабардор қилиш, шерикларни излаб топиш ҳамда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни етказиб бериш тўғрисида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида хўжалик шартномалари тузишда ёрдам кўрсатиш саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг асосий вазифаси этиб белгилансин.

3. Доимий фаолият кўрсатувчи Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ташкилий қўмитаси таркиби иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

4. Белгилансанки, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган маҳсулотлар ва материалларни Кооперация биржаси доирасида харид қилиш мамлакатимизнинг барча истеъмолчилари учун қўшимча тендерлар ўтказмай тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги бир ой муддатда, 2008 йилги маҳаллийлаштириш Дастанидан бошлаб, маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастанига киритилган корхоналар учун қўшимча солик имтиёзлари ва преференциялар бериш тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсан.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан бирга-

* Илова берилмайди.

ликда ҳар чоракда ҳамда йил яқунлари бўйича маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг тасдиқланган Дастури ижроси натижаларини кўриб чиқиш учун Вазирлар Махкамаси йиғилишларига киритиб борсин.

7. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги 2008 йилнинг биринчи ярми давомида Агентликнинг кооперация алоқалари доирасида техникавий аудит ҳамда ишлаб чиқарилаётган ва ўзлаштирилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимини кенг қўллаш борасида хўжалик юритувчи субектларга жойларда хизматлар кўрсатиш филиаллари билан ихтисослаштирилган тузилмалари тармofi ташкил этилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Давлат божхона қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда кейинчалик айнан нархи ва сифати бўйича ракобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминловчи маҳаллий ишлаб чиқарувчilarни қўллаб-кувватлаш чоратадбирларини ишлаб чиқсан ҳолда, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни импорт қилишнинг доимий мониторинги ва таҳлилини амалга оширасин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

—
Тошкент ш.,
2007 йил 12 ноябрь,
ПФ-3937-сон

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

464 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва ходимларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Конунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази тугатилсин ва унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ташкил этилсин.

2. Олий ўқув курсларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

юридик фани, прокурор-тергов амалиёти, меҳнат ва бошқарувни илмий ташкил этишнинг энг янги ютуқларини ўргатиш мақсадида прокуратура органларининг раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва ходимларининг малакасини ошириш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

мунтазам равишда тингловчиларнинг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини ошириш, ишчанлик ва касбий фазилатларини такомиллаштириш;

ахборот-таҳлил ишлари кўникмаларини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси ташки ва ички сиёсатининг асосий ўналишларига доир билимларни чукурлаштириш;

профессионал вазифаларни ҳал этишда замонавий компьютер технологияларидан, глобал ахборот тармоқлари ресурслари имкониятларидан фойдаланиш борасидаги билимларни чукурлаштириш ва амалий кўникмаларни такомиллаштириш;

демократик ҳуқукий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва конунчиликни мустаҳкамлаш соҳасида тингловчиларнинг ҳуқукий билимларини ошириш;

tinglovchilarда ташкилотчилик қобилияти ва раҳбарлик маҳоратини такомиллаштириш;

tinglovchilarни ватанпарварлик, Ватанига ва хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ахлоқий-иродалик фазилатларни шакллантириш;

прокурор-тергов ва суд амалиётини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш;

қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш муаммолари бўйича тадқикотларни амалга ошириш ҳамда амалий таклифлар, тавсиялар ва қўлланмаларни ишлаб чиқиши.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларини бошқарув ходимларининг чекланган сони 11 кишидан иборат ташкилий-штат тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари тузилмасига белгиланган умумий штатлар сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуки берилсан.

4. Раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш дастури бўйича ўқиши муддати — 6 ой ва малака ошириш дастури бўйича — 1 ой этиб белгилансан.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори икки ҳафталик муддатда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсан ва тасдиқласин.

6. Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари ходимларига прокуратура органдарни ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий таъминлаш шартлари татбиқ этилсан.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ушбу қарорга мувофиқ Олий ўқув курсларига зарур маблағ ажратилишини назарда тутсиз.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин.

9. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Абдуллаев зиммасига юклатилсан.


**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 7 ноябрь,
ПҚ-727-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги
ПҚ-727-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув
курсларини ташкилий-штат тузилмаси**



Изоҳ: Профессор-ўқитувчилар ва ёрдамчи ходимларнинг
сони амалдаги меъёрларга мувофиқ белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

465 2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида

Фармацевтика тармоғи корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош фармацевтика махсулотлари ишлаб чиқариши кўпайтириш, шунингдек Республика ахолиси-нинг маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган талаб-эҳтиёжини янада тўлик қондириш мақсадида:

1. Күйидагилар 2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жихозлаш Дастурининг энг муҳим вазифалари деб хисоблансан:

республика ахолиси, даволаш-профилактика ва дорихона муассасаларининг маҳаллий дори-дармон ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжини ўрганиш асосида уларни ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишларини белгилаш;

ишилаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш йўли билан, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этиш, шунингдек тармок корхоналарининг мавжуд ишилаб чиқариш қувватларидан янада самарали фойдаланиш ҳисобига ишилаб чиқариладиган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари сарф-харажатларини камайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш;

республика корхоналаридаги янги дори субстанциялари ва тайёр дори воситаларининг саноат миқёсида ишлаб чиқарилишини таъминлаш, энг аввало ижтимоий аҳамиятга молик касалликларни даволаш учун уларни маҳаллий хом ашёдан тайёрлаш бўйича илмий тадқиқотлар ва инновация ишланмаларини амалга ошириш.

2. «Ўзфармсаноат» ДАК томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги, Иктисодиёт вазирлиги, Фанлар академияси, фармацевтика тармоғи корхоналари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури маъқуллансин, унда қўйидагилар назарда тутилади:

2007—2011 йиллардаги даврда фармацевтика саноаты корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жихозлаш Дастурининг мақсадли параметрлари 1-иловага* мувофиқ;

махсулот ишлаб чиқарининг прогноз параметрлари ҳамда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жихозлаш бўйича инвестиция таклифлари рўйхати 2 ва 3-иловаларга* мувофиқ.

«Ўзфармсаноат» ДАК бошқаруви раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммаларига фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастанурининг мақсадли прогноз параметрлари тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

3. «Ўзфармсаноат» ДАК, Қарақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини:

ишилаб чиқарилаётган дори воситаларининг сифатини яхшилаш, уларнинг ахолига, биринчи навбатда пенсионерлар, ногиронлар ва кариялар учун мақбул нархларни тасдиқлашадиган.

* 1—3-иловалар берилмайды.

да ишлаб чиқарилишини таъминлашга алоҳида эътибор берган ҳолда, чора-тадбирлар комплексини амалга оширсин;

аҳолига ҳамда даволаш-профилактика ва дорихона муассасалари ходимларига маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилётган дори воситаларининг турлари тўғрисида мунтазам ва тизимли асосда ахборот бериб борилишини, шунингдек маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг ҳар йилги савдо-ярмаркалари ўтказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги, «Дори-дармон» АҚ билан биргаликда бир ой муддатда маҳаллий фармацевтика маҳсулотларига бўлган талабни ўрганишга ўйналтирилган маркетинг сиёсатини доимий асосда олиб боришни назарда тутувчи чора-тадбирлар комплексини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари билан биргаликда республика корхоналарида янги дори субстанциялари ва тайёр дори воситаларини саноат миёсида ишлаб чиқарышни таъминлаш учун уларни маҳаллий хом ашёдан тайёрлаш бўйича тизимли илмий тадқиқотлар ўтказсин ва инновация ишланмаларини яратсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда энг кўп тарқалган касалликлар турлари бўйича маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган препаратлар ва тиббиёт буюмларини ҳисобга олган ҳолда 2008 — 2011 йилларда республика даволаш-профилактика муассасалари ва ахолисини таъминлаш учун зарур бўлган дори воситалари ҳажми ва турларини аниқлаш мақсадида даволаш стандартларининг тизимлаштирилишини якунласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарлари Р.С. Азимов ва Р.С. Қосимов зиммаларига юклансин.

+

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 19 ноябрь,
ПҚ-731-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

466 Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айrim қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциз солиғига тортиладиган айrim турдаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси худуди орқали транзит йўли билан олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 4 октябрдаги ПҚ-703-сонли қарорига мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголли ва тамаки

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

маҳсулотларини четдан келтириш, ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 4 августдаги 331-сонли қарорининг 1-банди;

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларини четдан келтириш, ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 4 августдаги 331-сонли қарорига қўшимча киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 июлдаги ПҚ-415-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 20 ноябрь,
ПҚ-732-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ



467 Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчила- рига сотишни такомиллаштириш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Пахта толасининг юкори ликвидли ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шунингдек сифатли, экспортга йўналтирилган, халқаро стандартларга жавоб берадиган тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни таъминлаш максадида:

1. 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб, мулкчилик шаклидан катъи назар, республиканинг пахта толасини қайта ишлайдиган барча корхоналари учун пахта толасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сонли қарорида назарда тутилган шартлар асосида эркин айирбошланадиган валютада Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазиригининг ташки савдо компаниялари хамда Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси орқали харид қилишнинг ягона тартиби ўрнатилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 марта ги 141-сонли қарори 5-бандида назарда тутилган, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарига ички бозорда ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотларини (калава, газмол, трикотаж полотно ва пахтани йигириш чиқиндиларини) шартнома тузиш пайтида таркиб топган жаҳон нархларидан паст бўлмаган нархларда эркин муомаладаги валютага (қўшилган киймат солиғи нулинчи ставка бўйича қўшиб хисобланган ҳолда) сотиб олишга рухсат бериш бўйича имтиёзлар муддати 2011 йилнинг 1 январигачаузай-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

тирилсин, бунда ушбу ярим тайёр маҳсулотлардан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг камидаги 80 фоизи экспортга йўналтирилиши назарда тутилсин.

3. Белгилансинки, ўз маҳсулоти ҳажмининг 80 ва ундан кўпроқ фоизини, шу жумладан, ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотлари (калава, газмол, трикотаж полотно ва пахтани йигириш чиқиндилари)ни эркин айирбошланадиган валютада сотувчи республика тўқимачилик саноати корхоналари 2011 йилнинг 1 январигача бўлган даврда мулк солиги тўлашдан озод этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда конунчилликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 21 ноябрь,
ПҚ-733-сон

—

+

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ

468 Саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинчалик ўтказилган геология-қидирув ишларида ёхуд конни ишга солишда тасдиқланмаган фойдали қазилма захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчининг ҳисобидан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинчалик ўтказилган геология-қидирув ишларида ёхуд конни ишга солишда тасдиқланмаган фойдали қазилма захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчининг ҳисобидан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари К.С. Санакулов зиммасига юклансин.

+

-

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 9 ноябрь,
232-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 9 ноябрдаги 232-сон қарорига
ИЛОВА

**Саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинчалик
ўтказилган геология-қидирув ишларида ёхуд конни ишга
солишда тасдиқланмаган фойдали қазилма захираларини ер
ости бойликларидан фойдаланувчининг ҳисобидан чиқариш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 январдаги 24-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси хузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

бўйича давлат комиссияси тўғрисидаги Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинчалик ўтказилган геология-қидирув ишларида ёхуд конни ишга солишда тасдиқланмаган фойдали қазилма захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчининг балансидан чиқариш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

балансдаги захиралар — асосий фойдали қазилма ва у билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар ҳамда қўшилиб чиқадиган фойдали компонентларни ўз ичига оладиган конларнинг захиралари, шу жумладан қазиб олинадиган нефть, газ, нефтдаги газ, конденсат аралашмаси ва улардаги саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали компонентлар, шунингдек йод, бром ва ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш ва атроф мухит муҳофазаси талабларига риоя қилган ҳолда минерал хом ашёни кавлаб олиш ва қайта ишлашнинг мавжуд ёхуд саноат томонидан ўзлаштирилаётган илгор техникаси ва технологияси шароитида улардан фойдаланиш иқтисодий мақсадга мувофиқ бўлган саноат ва нефть сувларидаги бошқа фойдали компонентлар захиралари;

балансдан ташқари захиралар — асосий фойдали қазилма ва у билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар ҳамда қўшилиб чиқадиган фойдали компонентларни ўз ичига оладиган конларнинг захиралари, шу жумладан қазиб олинадиган нефть, газ, нефтдаги газ, конденсат аралашмаси ва улардаги саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали компонентлар, шунингдек йод, бром ва ҳозирги вактда кавлаб олиниши иқтисодий жихатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган ёки бунинг техник имкони бўлмаган, бироқ кейинчалик балансга ўтказилиши мумкин бўлган саноат ва нефть сувларидаги бошқа фойдали компонентлар захиралари.

+

II. Фойдали қазилмалар захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчилар балансидан чиқариш учун асослар

3. Саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинчалик ўтказилган геология-қидирув ишларида ёхуд конни ишга солишда тасдиқланмаган фойдали қазилма захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчининг хисобидан чиқариш Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси хузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссиясининг (кейинги ўринларда «Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси» деб юритилади) қарори билан амалга оширилади.

4. Фойдали қазилмалар захиралари:

а) қуидагилар:

Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан янгидан тасдиқланган қидирув ёки фойдаланиш конденцияларига мувофиқ эмаслиги туфайли (нефть, нефть-газ, нефть-газ конденсатлари, газ конденсатлари, газ ва битум конлари учун — Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан янгидан тасдиқланган тегишли фойдали қазилмаларни ер остидан қазиб олиш коэффициентаuga мувофиқ эмаслиги туфайли);

айрим участкаларда аниқланган кон-геология, гидрогеология, мұхандислик-геология, экологик мұраккабликлар ва бошқа табиий шарт-шароитлар оқибатида захираларга техник-иктисодий сабаблар бўйича ишлов беришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги туфайли;

агар фойдали қазилмаларни қазиб олишда уларнинг сақланиши таъминланиши мумкин бўлмаса, аҳоли ҳаётига ва соғлигига ёки обьектларга зарар етказилиши учун

хавф туғдирса, уларни бузиб ташлаш ёки кон ишлари таъсири доираси чегарасидан ташқарисига кўчириш мумкин бўлмаса ёки бу иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаса, захираларни саноат иншоотлари, турар жойлар ва жамоат бинолари, тарих ва маданият ёдгорликлари, табиий объектлар учун саклаш устунлари сифатида қолдириш туфайли;

б) фойдали қазилмаларнинг микдори, сифати ва жойлашиш шарт-шароитлари тўғрисида янги маълумотлар олиниши натижасида захираларнинг кейинчалик геология-қидирув ишлари чоғида ва (ёки) фойдали қазилмалар конларини ишлатиша тасдиқланмаслиги туфайли ер ости бойликларидан фойдаланувчилар балансидан чиқарилиши мумкин.

5. Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналар қурилишини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва консервация қилишда балансдаги захиралар балансидан ташқари захираларга ўтказилмайди.

6. Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналарни консервация қилишда фойдали қазилмалар захиралари хисобдан чиқарилмайди.

7. Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналар қурилишини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, кенгайтириша ер ости бойликларидан фойдаланувчи балансидан чиқарилиши керак бўлган фойдали қазилмалар ушбу Низомнинг 4-банди «а» ва «б» кичик бандларида баён қилинган асослар бўйича фойдали қазилмалар конларини ишлатиш жараёнида улар қидирув, тайёргарлик кўриш ёки тозалаш ишларида қисман ёки тўлиқ контурланишига қараб белгиланган тартибда хисобдан чиқарилади.



III. Ер ости бойликларидан фойдаланувчилар томонидан Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссиясига бериладиган фойдали қазилмалар захираларини хисобдан чиқариш учун зарур бўлган ҳужжатлар



8. Саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинчалик ўтказилган геология-қидирув ишларида ёхуд конни ишга солишида тасдиқланмаган фойдали қазилма захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчининг балансидан чиқариш учун ер ости бойликларидан фойдаланувчи Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссиясига тушунтириш хати такдим этади. Тушунтириш хатида қўйидагилар бўлиши керак:

а) Фойдали қазилмалар захираларининг мўлжалланган хисобдан чиқарилишини Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланган контурларда ва геология ва маркшейдерлик ҳужжатлари маълумотларини тезкор хисобга олиш, захираларни синааб кўриш ва қайта хисоблаш контурларида алоҳида асослаш;

б) ушбу Низомнинг 4-банди «а» кичик бандида кўрсатилган сабаблар бўйича саноат аҳамиятини йўқотган фойдали қазилмалар захираларини хисобдан чиқаришда, — тегишли техник-иқтисодий хисоб-китоблар;

в) ишлатилаётган кон тўғрисидаги қисқа маълумотлар (ишлатиш тизими, фойдали қазилмаларни кавлаб олишда нобуд бўлиш ва яроқсиз ҳолга келиш кўрсаткичлари, нефть, газ, конденсат ва бошқаларни қазиб олиш коэффициентлари);

г) чизмалар ва бошқа иловалар:

фойдали қазилмалар захиралари улар бўйича хисобдан чиқариладиган участкалар, руда жисмлари (хисобланган блоклар) жойлашиш схемаси, проекциялар, горизонт бўйича натижалар, қидирув ва ишлатиб синааб кўриш маълумотлари ҳамда

Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланган фойдали қазилмалар захиралари контурлари, шунингдек ишлатиб қидириш натижалари бўйича хисоблаб чиқилган захиралар контурлари билан бирга разрезлар (саёз конлар);

кон ажратмаси нусхаси;

конни қидирган (баҳолаган) корхонанинг хulosаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг хulosаси (экологик сабаблар бўйича саноат аҳамиятини йўқотган захиралар хисобдан чиқарилган тақдирда);

ер ости бойликлари участкасидан фойдаланишда бузилган ерлар қайта тикланганини тасдиқлайдиган маҳаллий ижро этувчи хокимият органининг хulosаси ва маълумотномаси;

д) ушбу Низомга иловага мувофиқ шакл бўйича «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси билан келишилган фойдали қазилмалар захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчи балансидан чиқариш тўғрисидаги хulosса ва таклиф.

9. Зарурат бўлган тақдирда Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси ер ости бойликларидан фойдаланувчидан ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилмаган бошқа материаллар тақдим этилишини талаб қилиши мумкин.

10. Тақдим этилган материалларни Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссиясида кўриб чиқиш ер ости бойликларидан фойдаланувчи билан Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Материалларни кўриб чиқиш муддати ер ости бойликларидан фойдаланувчи билан тузилган шартномада белгиланади, бироқ ушбу муддат З ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Шартнома бўйича тўланиши керак бўлган сумма фойдали қазилмаларнинг турига ва коннинг (участканинг) геологик тузилиши мураккаблигига қараб:

а) кенг тарқалган фойдали қазилмалар конлари бўйича — энг кам ойлик иш хақининг 20 бараваригача;

б) поруда фойдали қазилмалар конлари ва ер ости сувлари бўйича — энг кам ойлик иш хақининг 50 бараваригача;

в) рудали фойдали қазилмалар ва углеводородлар конлари бўйича — энг кам ойлик иш хақининг 70 бараваригача миқдорни ташкил этиши мумкин.

IV. Фойдали қазилмалар захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчи хисобидан чиқариш тартиби

11. Саноат учун аҳамиятини йўқотган фойдали қазилмалар захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчи балансидан чиқариш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

а) Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан янгидан тасдиқланган (нефть, нефть-газ, газ конденсати, нефть-газ конденсати, газ ва битум конлари учун — қазиб олиш коэффициенти ўзгариши туфайли) кондицияларга мувофиқ бўлмаган, шунингдек фойдали қазилмалар захираларининг қайта тасдиқланиши натижасида балансдаги ва (ёки) балансдан ташқари тоифасидан чиқарилган фойдали қазилмалар захираларини хисобдан чиқариш белгиланган тартибда амалга оширилади;

б) кон-геологик, гидрогеологик, мұхандислик-геологик, экологик ва бошқа таийи шароитларнинг аниқланган жиддий ўзгариши оқибатидаги техник-иқтисодий

сабабларга кўра қазиб олиниши мақсадга мувофиқ бўлмаган фойдали қазилмалар захиралари ер ости бойликларидан фойдаланувчи балансидан чиқариш тасдиқланган техник-иктисодий хулоса ҳамда Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ва «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг хулосалари асосида амалга оширилади;

в) фойдали қазилмалар жойлашган майдонлардаги қурилишлар муносабати билан саноат иншоотлари, уй-жойлар ва жамоат бинолари, тарих ва маданият ёдгорликлари, сув ҳавзалари ҳамда бошқа табиий обьектлар учун муҳофаза мақсадида қолдирилган кон захиралари Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан биргалиқда «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан бериладиган, Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишилган хулоса асосида хисобдан чиқарилади.

12. Саноат учун аҳамиятини йўқотган фойдали қазилмаларнинг балансдаги захираларини ер соти бойликларидан фойдаланувчи балансидан чиқариш уларни балансдан ташқари захираларга ўтказишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида белгиланган тартибда тасдиқланган техник-иктисодий асослаш мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

13. Фойдали қазилмалар захираларини техник-иктисодий сабабларга кўра ер ости бойликларидан фойдаланувчи балансидан чиқарышнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги техник-иктисодий асослашда, захираларни очиш ва тайёрлашнинг энг оқилона усулларини, минерал ҳом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлашнинг илфор технологиясини қўлланишни ҳисобга олган ҳолда, ушбу захираларни қазиб олишнинг аниқ конларга нисбатан татбиқ этиш мумкин бўлган бир нечта варианatlари кўриб чиқилиши керак.

14. Фойдали қазилмаларнинг тасдиқланмаган захиралари ер ости бойликларидан фойдаланувчи балансидан чиқариш умуман ишлов берилган кон бўйича ёки унинг участкалари бўйича, шунингдек захираларни тасдиқлашда Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан қабул қилинган, тўлиқ ишланган ёки уларнинг контурида етарли ҳажмда фойдаланиш учун ҳисоблаб чиқилган блоклар бўйича амалга оширилади.

15. Кейинги геологик-қидирав ишларида ёки конни қазиб олишда тасдиқланмаган фойдали қазилмаларнинг балансдаги ва (ёки) балансдан ташқари захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчи балансидан чиқариш «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг хулосаси ва, зарур ҳолларда эса, конни қидириш (баҳолаш)ни ўтказган корхонанинг хулосаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

16. Фойдали қазилмалар захираларини ҳисобдан чиқариш конни қазиб олиш жараёнида ёки геология-қидирав ишлари натижалари бўйича олинган фойдали қазилмалар жисмлари микдори, фойдали қазилмаларнинг жойлашиш шароитлари ва сифати тўғрисидаги янги маълумотлар, нефть, газ, нефтдаги газ ва конденсат аралашмасининг қазиб олинадиган захиралари бўйича эса — нефть, газ, нефтдаги газ ва конденсат аралашмасини қазиб олишнинг камайиб борувчи коэффициенти микдорини кўриб чиқишнинг техник-иктисодий асосланган янги маълумотлари асосида амалга оширилади.

17. Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланган қўшимча фойдали компонентларни, шу жумладан тарқоқ элементларни ер ости бойликларидан фойдаланувчи балансидан чиқариш асосий фойдали қазилмалар захираларини ҳисобдан чиқариш билан бир вактда амалга оширилади.

18. Фойдали қазилмалар захираларининг тасдиқланмаган захираларини хисобдан чиқаришда ер ости бойликларидан фойдаланувчи томонидан Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси тасдиқлаган захиралар контурлари доирасида конни қидириш ва қазиб олиш маълумотлари қиёсланиши керак. Қиёслаш кон жисмлари (қатламлари), хисобланган захиралар блоклари, тоифалари бўйича алоҳида-алоҳида амалга оширилиши керак. Қиёслаш асосида, конни қидириб топган (баҳолаган) корхона билан биргаликда фойдали қазилмалар захираларининг тасдиқланмаганлиги сабаблари таҳлил қилинади.

19. Фойдали қазилмалар балансдаги захираларининг хисобдан чиқарилганлари ва (ёки) хисобдан чиқаришга мўлжалланаётганларининг умумий микдори тасдиқланган захираларнинг (нефть ва газ, шу жумладан уларнинг қазиб олинадигани учун) 20 фоизидан ортиқ бўлган ҳолларда умуман кон бўйича захиралар белгилangan тартибда қайта хисоблаб чиқилади ва қайта тасдиқланади.

20. Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссиясининг фойдали қазилмалар захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчи балансидан чиқариш тўғрисидаги қарори протокол билан расмийлаштирилади, унинг нусхалари экспертиза материаллари билан бирга иккя ҳафта муддатда ер ости бойликларидан фойдаланувчига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига юборилади.

21. Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссиясининг фойдали қазилмалар захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчи балансидан чиқариш тўғрисидаги протоколи Фойдали қазилмалар захираларининг давлат балансига белгилangan тартибда зарур тузатишлар киритиш учун асос ҳисобланади.

22. Фойдали қазилмалар захираларини хисобдан чиқариш ер ости бойликларидан фойдаланувчи томонидан давлат статистика хисоботида акс эттирилади.

23. Участкаларга ёндашиш учун хизмат қиласидан, захиралари саноат учун аҳамиятини йўқотган ёхуд кейинги геология-қидириув ишларида ёки конни қазиб олишда тасдиқланмаган захиралар сифатида ер ости бойликларидан фойдаланувчи захирасидан чиқаришга мўлжалланган кон ишлари ўрни факат кўрсатиб ўтилган захиралар хисобдан чиқарилгандан ва қазиб олинадиган бирликлар қайта ишлангандан кейин қопланади.

+

Саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки
кейинчалик ўтказилган геология-қидирав
ишларида ёхуд конни ишга солища
тасдиқланмаган фойдалали қазилма захираларини
ер ости бойликларидан фойдаланувчи
чининг ҳисобидан чиқариш тартиби тўғри-
сидағи низомга
илова

КИРИТИЛГАН:

корхона раҳбари
200_ йил «___» _____

«Саноатконтехназорат» давлат
инспекцияси бошлиғи
200_ йил «___» _____

томунидан ишлатилаётган
(конни ишлатаётган корхонанинг номи)

бўйича _____
(коннинг номи)

фойдалали қазилма захираларини ер ости бойликларидан
фойдаланувчининг ҳисобидан чиқариш тўғрисида
ТАКЛИФ

+ Биз, қуида имзо қўйганлар, _____ нинг
раҳбари _____, бош (катта) геолог _____
(корхонанинг номи)
(Ф.И.О.)

бош (катта) маркшайдер _____
(Ф.И.О.)
_____ (фойдалали қазилмалар
номи)

конининг ва ундаги мавжуд қўшимча фойдали компонентларнинг номи,
бўйича _____
(хар кайси компонентнинг микдори алоҳида кўрсатилади)

балансдаги (балансдан ташқари) захираларни қуийдаги сабабларга кўра _____
нинг
(ташкилотнинг номи)

балансидан чиқариш тўғрисидаги ушбу Таклифни туздик.
нинг балансдан
(фойдалали қазилманинг номи)

чиқарилаетган (балансдан ташқари захираларга ўтказилаётган) захиралари _____
нинг
(участка, горизонт, блок, дўнглик ва захиралар жойлашган жойни аникловчи
бўйича ҳисоблаб чиқилган.
бошқа маълумотлар номи)

Балансдан чиқаришгача балансдаги (қазиб олинаётган), балансдан ташқари
захиралар _____ кв. метр майдонда жойлашганди, _____ метр ўртача нормал қалин-
ликка, _____ т/куб.м (г/куб.см) ҳажмли массага, _____
(%, г/т, г/куб. ва х. к.)

қўшимча фойдали компонентларга эга эди ва _____
 (фойдали қазилма ва қўшимча фойдали

ни ташкил қилади.

(компонентлар миқдори)

Хисобдан чиқарилгандан кейин амалда қолган балансдаги (қазиб олинаётган),
 балансдан ташқари захиралар ____ кв. метр майдонда жойлашганди, ____ метр
 ўртача нормал қалинликка, _____ т/куб.м (г/куб.см) ҳажмли массага,
 _____ қўшимча фойдали компонентларга эга ва улар ____
 (%) (фойдали

ни ташкил қилади.

қазилма ва компонентлар миқдори)

(Кон бўйича фойдали қазилмадан фойдаланувчи балансидан чиқариладиган ва чиқариб бўлинган захиралар миқдори

(умуман кон бўйича тасдиқланган захираларга нисбатан %ларда)

ни ташкил қилади.

Корхонанинг бош (катта) геологи Ф.И.О. имзо сана

Бош (катта) маркшайдер Ф.И.О. имзо сана

—

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

469 «ЎзМЕД-лизинг» очик акциядорлик жамияти ихти- сосластирилган лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомилластириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сон қарорига мувофиқ, шунингдек тиббиёт муассасаларини замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимида лизинг муносабатларини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака» банки, «Пахта-банк», «Ўзсаноатқурилишбанк», Ипотека-банкнинг бошлангич устав фонди 1,5 млрд сўм миқдорида бўлган ва муассислар ўртасида 1-иловага мувофиқ тақсимланадиган очик акциядорлик жамияти шаклидаги «ЎзМЕД-лизинг» ихтисосластирилган лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар «ЎзМЕД-лизинг» очик акциядорлик жамияти ихтисосластирилган лизинг компанияси фаолиятининг асосий йўналишлари эканлиги маълумот учун қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

ўз маблағлари ҳисобига, шунингдек мамлакатимиз ва чет эл банклари кредитлари ва қарзларини жалб этиш йўли билан замонавий юқори технологияли тиббиёт асбоб-ускуналари, улар учун эҳтиёт қисмлар, анжомлар ва маҳсус транспорт (кейинги ўринларда «тиббиёт асбоб-ускуналари» деб юритилади) харид килиш;

тиббиёт асбоб-ускуналарини шартнома асосида лизингга ва узок муддатли ижарага бериш, шунингдек уларни тиббиёт муассасаларига сотиш.

3. «ЎзМЕД-лизинг» очик акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган лизинг компаниясининг ходимларининг чекланган умумий сони 17 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 15 нафар бўлган бошқарув тузилмаси 2-иловага муовфик маъқуллансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси бошқа муассислар билан биргаликда бир ой муддатда «ЎзМЕД-лизинг» очик акциядорлик жамиятининг таъсис ўйғилишини ўтказсан ва лизинг компаниясининг таъсис хужжатлари белгиланган тартибда тасдиqlанишини, шунингдек компаниянинг давлат рўйхатига олинишини таъминласин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда «ЎзМЕД-лизинг» очик акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган лизинг компаниясини жойлаштириш учун белгиланган тартибда бино ажратсан.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Қосимов ва Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 13 ноябрь,
236-сон

Вазирлар Махкамасининг
2007 йил 13 ноябрдаги 236-сон карорига
1-ИЛОВА

**«ЎзМЕД-лизинг» очик акциядорлик жамияти
ихтисослаштирилган лизинг компанияси устав фондининг
таркиби**

Муассислар	Устав фондидаги улуси	
	Фоизларда	суммаси (млн сўм)
Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси*	13	200,0
«Ўзмиллийбанк»	20	300,0
«Пахта-банк»	13	200,0
«Асака» банки	20	300,0
«Ўзсаноатқурилишбанк»	17	250,0
Ипотека-банк	17	250,0
Жами:	100	1 500,0

* Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушидиган умумий маблағлар ҳисобига.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Вазирлар Махкамасининг
2007 йил 13 ноябрдаги 236-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«ЎзМЕД-лизинг» очик акциядорлик жамияти
ихтисослаштирилган лизинг компаниясининг бошқарув
тузилмаси**



Компания ходимларининг чекланган умумий сони 17 киши, шу жумладан маъмурий-бошқарув ходимлари — 15 киши.

Изоҳ. Компаниянинг Кузатувчи кенгаси лизинг операциялари ҳажми ва сони ўзгарган тақдирда унинг тузилмасига ва ходимларнинг чекланган сонига ўзгартириш киритиш хукукига эга.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ

470 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини
янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 26 октябрдаги
218-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида (Ўзбекистон
Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипен-
диялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғри-
сида» 2007 йил 23 октябрдаги ПФ-3931-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» 2007 йил 23 октябрдаги ПФ-3931-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарорининг 1-бандидаги «15525» рақами «18630» рақами билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 19 ноябрь,
239-сон

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ

471 Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини ло-
йиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализа-
ция қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини
лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-II-сонли Қарорининг 1-иловасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-102-сон Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ахборотнинг криптографик ҳимоясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 3 апрелдаги ПҚ-614-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш,

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

ишлиб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳакида» 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарорига 1-иловага қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» бўлумининг еттинчи хатботи чиқариб ташлансан;

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки» бўлумидан кейин қўйидаги мазмундаги бўлим қўшилсан:

«Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати

Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлиб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш».

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов ва Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р.Р. Иноятов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазари**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 21 ноябрь,
242-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 21 ноябрдаги 242-сон қарорига
ИЛОВА

**Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини
лоиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлиб чиқариш, реализация
қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини
лицензиялаш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлиб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Ахборотнинг криптографик ҳимояси соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати (кейинги ўринларда лицензияловчи орган деб аталади) томонидан амалга оширилади.

3. Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлиб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолияти юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

4. Қўйидагиларнинг:

давлат сири бўлган маълумотларга эга бўлган ахборотнинг;

эгаси давлат ташкилотлари бўлган маҳфий ахборотнинг;

идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклидан катъи назар, ташкилотлар

томонидан давлат ташкилотлари учун товарлар етказиб беришда ва хизматлар кўрса-тишда улардаги маҳфий ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолияти лицензияланади.

5. Электрон ҳужжатда электрон рақамли имзо яратилишини ва электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланишини таъминлайдиган электрон рақамли имзо воситалари қисмини кўлланиш билан боғлик бўлган фаолият лицензияланмайди.

6. Лицензия фаолиятнинг ҳар бир тури учун алоҳида берилади. Лицензия талаборининг аризасига мувофиқ лицензия фаолият турининг бир қисмига (қисмларига) берилиши мумкин.

7. Лицензия беш йилдан кам бўлмаган муддатга берилади. Талаборнинг аризасига кўра лицензия беш йилдан кам бўлган муддатга берилиши мумкин. Лицензиянинг амал қилиш муддати лицензия берилган кундан хисобланади.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

8. Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларига қўйидагилар киради:

лицензиат томонидан ахборотнинг криптографик ҳимояси соҳасидаги қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;

+ лицензияланадиган фаолиятнинг аризада кўрсатилган тури бўйича ахборотнинг криптографик ҳимояси соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи техник ва методик ҳужжатларнинг, шу жумладан ички низомлар, ўриқномалар, методикаларнинг мавжуд бўлиши;

ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини тайёрлаш ва ишлаб чиқаришда Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари хисобланадиган криптографик алгоритмларни ёхуд ахборотнинг криптографик ҳимоя воситалари соҳасидаги ваколатли орган томонидан тавсия қилинадиган стандартларни кўлланиш;

мувофиқлик сертификатига эга бўлган ахборотларни криптографик ҳимоя қилиш воситаларидан, шунингдек ахборотларни криптографик ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатли орган билан келишилган ҳолда фойдаланиладиган криптотизимлардан фойдаланиш;

давлат сирларига тегишли деб топилган маълумотларга эга бўлган ахборотни, шунингдек ҳимоя қилиниши қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ахборотни криптографик ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширишда давлат сирларидан фойдаланиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган рухсатномага эга бўлган мутахассисларнинг лицензия талаборида мавжуд бўлиши;

буюмларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва реализация қилишнинг боришини, уларнинг техник ва техник-иқтисодий тавсифномаларини, лицензияга мувофиқ амалга оширилган тадбирлар ҳамда кўрсатилган хизматлар сони ва сифатини акс эттирувчи ўз фаолияти тўғрисидаги маълумотларни белгиланган шаклда лицензияловчи органга тақдим этиш;

давлат сирига тегишли деб топилган маълумотларни, ҳимоя қилиниши зарурлиги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ахборотни, амалий фаолияти давомида ишонилган тижорат сирларини ошкор қилмаслик;

юридик шахс учун — лицензия талаборининг доимий штатида ахборотни ҳимоя

қилиш соҳасида махсус тайёргарликка ва камида уч йил иш стажига эга бўлган камида икки нафар мутахассиснинг мавжуд бўлиши, шунингдек талаб қилинадиган мутахассислар бўлмаган тақдирда айрим иш турларини бажариш учун мутахассисларни жалб этиш бўйича тегишли шартноманинг мавжуд бўлиши;

жисмоний шахс учун — бажариладиган ишлар (хизматлар) талабларига ва характерига мувофиқ бўлган олий маълумотнинг, махсус тайёргарликнинг, шунингдек фаолиятнинг лицензияланётган тури бўйича иш тажрибасининг мавжуд бўлиши;

мутахассислар учун ҳуқуқларни, функционал вазифаларни, маҳфийлик режими бўйича талабларни белгиловчи ички қоидаларнинг мавжуд бўлиши;

мутахассисларнинг ҳар икки йилда камида бир марта малака оширишдан ўтиши;

мутахассисларнинг лицензияловчи органда аттестациядан ўтган бўлиши. Аттестациядан ўтиш тартиби ва муддатлари лицензияловчи орган томонидан қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади;

тайёrlанаётган ва ишлаб чиқарилаётган ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларида турли даражалардаги протоколларнинг амалга оширилишини назарда тутувчи, ахборотнинг криптографик ҳимоя воситалари маълумотларини, шунингдек улар негизида қурилган ахборот-коммуникация тизимларини умумий фойдаланиладиган тармоқقا ва тизимга киритиш имконини берувчи техник ва технологик ечимларни кўлланиш;

лицензияланётган фаолиятнинг аризада кўрсатилган тури бўйича барча зарур ишларни амалга ошириш учун бинолар ва ишлаб чиқариш қувватларининг, шу жумладан ахборотни техник ҳимоя қилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва стандартлар талабларига мувофиқ бўлган ахборотлаштириш бинолари ва (ёки) объексларининг мавжуд бўлиши;

норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ иш юритишни ва объектнинг ички режимини амалга ошириш;

норматив талабларга мувофиқ бўлган техник ўлчаш ва назорат қилиш воситаларининг, инструментлар ва приборларнинг мавжуд бўлиши.

—

+

III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

9. Лицензия олиш учун лицензия талабори лицензияловчи органга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қўйидагилар кўрсатилади: юридик шахс учун — юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (пошта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб раками; жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари; талабгор амалга оширишни мўлжаллаётган фаолиятнинг лицензияланадиган тури (унинг қисми) ҳамда фаолиятнинг кўрсатиб ўтилган тури амалга ошириладиган муддат;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси — юридик шахслар учун; якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси — жисмоний шахслар учун;

лицензия талабори томонидан ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганини тасдиқловчи ҳужжат;

лицензияланадиган фаолиятнинг аризада кўрсатилган тури бўйича барча зарур

ишларни амалга ошириш учун бино ва ишлаб чиқариш қувватлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар;

мутахассисларнинг маълумоти бўйича мутахассислиги, эгаллаб турган лавозими, лицензияланадиган фаолият бўйича иш стажи кўрсатилган холда лицензияланадиган фаолият бўйича ишларни бевосита амалга оширадиган мутахассислар тўғрисидаги маълумотлар;

давлат сирларига тегишли деб топилган маълумотлар билан ходимларнинг таниша олишини тасдиқлайдиган хужжатлар (ишларнинг тегишли турини амалга оширишда).

10. Лицензия талаборидан мазкур Низомда назарда тутилмаган хужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Хужжатлар лицензия талабори томонидан лицензияловчи органга бевосита ёхуд олинганилиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

12. Лицензия олиш учун лицензияловчи органга юборилган хужжатлар масъул шахс томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси кўрсатиб ўтилган орган томонидан хужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган холда ариза берувчига юборилади (топширилади).

13. Нотўғри ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабори қонун хужжатларига мувофик жавоб беради.

IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

+

-

14. Лицензия бериш тўғрисидаги ариза лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун қонун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида йигим ундирилади. Йигим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабори берилган аризадан воз кечган ёки лицензияловчи орган лицензия беришни рад этган тақдирда тўланган йигим қайтарилмайди.

Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойихалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолиятни лицензиялаш ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофик амалга оширилади.

15. Лицензияловчи орган лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни ариза олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қиласи.

Лицензияловчи орган қарор қабул қилиш учун зарурият бўлса ўз маблағлари ҳисобига:

жойнинг ўзига бориб фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун талаб қилинадиган шарт-шароитлар талаборда мавжуд эканлигини баҳолаш;

тегишли хulosаларни тайёрлаш учун экспертларни шартнома асосида жалб этиш хукуқига эга.

16. Лицензияловчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнida лицензия талаборини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қиласи.

Қабул қилинган қарор тўғрисидаги билдиришнома лицензия талаборига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳамда лицен-

зиатнинг имзолаши учун лицензия битими илова қилинган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация килиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолиятни амалга ошириш хукуки учун лицензия бериш ва лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш хакининг беш баравари микдорида давлат божи ундирилади.

Лицензия берилганлиги учун давлат божи Республика бюджетига ўтказилади.

17. Лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро хукуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган лицензия битимида қўйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими;

томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия бериладиган фаолият турининг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади.

18. Лицензиялар қатъий хисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланган, хисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлган маҳсус бланкаларда расмийлаштирилади.

Лицензия бланкаси намунаси лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади ва лицензияловчи орган буюрманомасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан босмахона усулида тайёрланади. Лицензияловчи орган лицензиялар бланкалари сақланиши учун жавоб беради.

Лицензия лицензиат томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва лицензия битими имзолангандан кейин уч кун муддатда расмийлаштирилади ва берилади.

Расмийлаштирилган лицензиялар лицензияловчи органнинг раҳбари (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади. Ушбу Низомнинг VIII бўлимида белгиланган тартибда реестрга тегишли ёзув қайд этилади.

19. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида карор қабул қилинганлиги ҳақида ги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнida лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битими имзоламаса, лицензияловчи орган кўрсатиб ўтилган лицензияни бекор қилиш хукуқига эга.

20. Лицензия бериш факат «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 17-модасида белгиланган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг хатти-харакати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш хукуқига эгадир.

21. Лицензия беришнинг рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ

сабаблари ва лицензия талабори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб хужжатларни такроран кўриб чиқишига тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

22. Лицензия талабори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, хужжатларни такроран кўриб чиқиши лицензияловчи орган томонидан лицензия талаборининг аризаси барча зарур хужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади. Талабгорларнинг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун лицензия йиғими ундирилмайди.

23. Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза хисобланади.

V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

24. Юридик шахс — лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг хукукий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир хафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Жисмоний шахс — лицензиатнинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки яшаш жойи ўзгарган тақдирда, лицензиат қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир хафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

25. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензияловчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнода амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талаборининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

26. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

27. Йўқолган ёки амал қилиш муддати ўтмаган яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин. Лицензиялар дубликатлари беришда лицензия талаборининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

Дубликат беришда лицензияловчи орган томонидан «ДУБЛИКАТ» белгиси

кўйилган янги лицензия берилади, унда олдинги лицензияда кўрсатилган амал қилиш муддати қайд этилган бўлиши керак.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

28. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қонун хужжатларида белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

29. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида қуидаги хукуқларга эга:

лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун хужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганигидан дало-лат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун хужжатларида белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган холда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш.

Назорат қилувчи ва хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилишлари аниқланганда лицензияловчи органга аниқланган бузилишлар тўғрисида хабар қиласди.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш

30. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, уни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22 — 24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, уни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензияловчи орган қарорининг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар микдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

31. Лицензияловчи орган лицензиялар реестрини юридик ва жисмоний шахслар учун алоҳида юритади.

Лицензияларнинг хар бир реестрида қуидагилар кўрсатилиши керак:

лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар;
 лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;
 лицензиянинг амал қилиш муддати;
 лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;
 лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;
 лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси.

Лицензиялар реестридаги маълумотлар улар билан юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар тўлов асосида лицензияловчи органдан аниқ лицензиатлар тўғрисида лицензиялар реестридан кўчирма сифатида маълумот олишга хақлидир.


Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш хақининг ярми миқдорида ундириладиган тўлов лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

32. Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига текин берилади.

Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойихалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

+ Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойихалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш схемаси -





—

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

472 Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини хуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 24 августдаги 182-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан ва у 2008 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик хизматларнинг кадрлар таркиби, ушбу хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган маълумотлар базасини марказлаштирилган тартибда шакллантириш ва юритиш йўли билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизматлари тўғрисидаги ах-

боротларнинг зарур даражада ҳисобга олиниши ва тизимлаштирилишини таъминласин.

3. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини оширишнинг ушбу қарор билан тасдиқланган муддатлари ва тартибига катъий амал килинишини таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 22 ноябрь,
244-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон қарорига
ИЛОВА

**Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва
уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

+

-

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органларининг, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг (кейинги ўринларда ташкилотлар деб аталади) юридик хизматлари ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини белгилайди.

2. Ташкилотларнинг юридик хизматлари ходимларини аттестациядан ўтказиш уларнинг касбига муносиблиги даражасини холисона баҳолаш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган малака талабларига мувофиқлигини аниқлаш, уларнинг зиммасига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш юзасидан масъулиятини ошириш мақсадида амалга оширилади.

Ташкилотларнинг юридик хизматлари ходимлари малакасини ошириш юриспруденция соҳасидаги назорат ва амалий билимларни чукурлаштириш ва янгилаш, уларнинг касбий тайёрлигининг бажариладиган вазифалар ва функцияларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

II. Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш

3. Ташкилотларнинг юридик хизматлари ходимлари тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва унинг худудий органларида ҳар беш йилда бир марта аттестациядан ўтиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

4. Юридик хизмат ходими лавозимига қабул қилинган шахслар ишга қабул қилинган кундан бошлаб олти ой мобайнида аттестациядан ўтказилиши керак.

Юридик хизмат ходими лавозимига қабул қилинган ва кейинги беш йил мобайнида аттестациядан ўтказилган шахслар ушбу Низомнинг 5-бандига мувофик аттестациядан ўтиши керак.

Кўйидагилар аттестациядан ўтказилмайди:

олий таълим муассасаларини тугатган ва олинган мутахассислик бўйича биринчи марта ишга кирган шахслар, агар мазкур мутахассислик бўйича икки йилдан кам ишлаган бўлса;

ҳомиладор аёллар, шунингдек уч ёшгача болалари бор аёллар;
юридик маслаҳатчи ёрдамчиси лавозимида ишлатган шахслар.

5. Юридик хизмат ходимлари аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома-нинг амал қилиш муддати тугашидан уч ой олдин, ушбу Низомда белгиланган тартибда, тегишли адлия органларига аттестациядан ўтиш учун ариза билан мурожаат қилиши шарт.

Олий таълим муассасасини тугатгандан кейин, олинган мутахассислик бўйича биринчи марта ишга кирган шахслар мутахассислик бўйича ишлаган икки йиллик муддат тугаган вактдан бошлаб уч ойдан кечикмай аттестациядан ўтиш учун мурожаат қилиши шарт.

6. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг марказий аппаратлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари юридик хизмати ходимларини аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

— 7. Давлат бошқаруви органлари худудий бўлинмаларининг, туманлар ва шаҳарлар, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимларини аттестациядан ўтказиш худудий адлия органлари томонидан амалга оширилади.

+

8. Юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва унинг худудий органларида камида беш кишидан иборат таркибда аттестация комиссиялари тузилади.

9. Аттестация комиссиялари таркиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига вазирнинг тегишли ўринбосари, худудий адлия органларида эса — худудий адлия органи раҳбари аттестация комиссиясининг раиси хисобланади.

Аттестация комиссиялари таркибига, келишувга кўра, ҳуқукни муҳофаза қилиш органлари, илмий ва олий таълим муассасалари вакиллари киритилиши мумкин. Худудий адлия органларининг аттестация комиссиялари таркибига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппаратининг тегишли бўлинмаси ходими мажбурий тартибда киритилади.

10. Аттестация комиссияси раиси:

аттестация комиссияси мажлисларида раислик қиласи;
аттестацияни ўтказиш жойи ва муддатларини белгилайди;
аттестациядан ўтказиладиганларнинг рўйхат бўйича таркибини белгилайди;
аттестацияни ўтказиш бўйича бошқа ташкилий масалаларни ҳал қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг худудий органларининг тегишли таркибий бўлинмаси аттестация комиссиясининг ишчи органи хисобланади, у:

аттестацияни ўтказиш жадвалини тузади ва уни тасдиқлаш учун аттестация комиссияси раисига тақдим этади;

талабгорлар анкеталарини шаклллантиради ва тайёрлайди;
аттестацияни ўтказиш санаси ва жойи тўғрисидаги маълумотларни аттестация комиссияси аъзоларига ҳамда талабгорларга етказади;
аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этишга доир бошқа функцияларни амалга оширади.

III. Аттестациядан ўтадиган шахсларнинг аризаларини кўриб чиқиши тартиби

11. Аттестациядан ўтиш учун тегишли адлия органига қўйидаги хужжатлар тақдим этилади:

- а) аттестациядан ўтиш тўғрисидаги ариза;
- б) талабгорнинг ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича анкетаси;
- в) олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- г) меҳнат дафтарчасининг иш жойида тасдиқланган нусхаси ёхуд ундан кўчирма;
- д) иш жойидан тавсифнома;
- е) малака ошириш курсларида ўқиганлик тўғрисидаги сертификат (агар мавжуд бўлса) нусхаси.

12. Хужжатлар адлия органига бевосита топширилади ёхуд топширилгани тўғрисидаги билдиришномани олган холда, буюртма хат билан юборилади.

Хужжатлар адлия органининг масъул ходими томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси, хужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган холда талабгорга топширилади (юборилади).

Топширилган хужжатлар қайтариб берилмайди.

13. Ариза ва хужжатлар улар олинган кундан бошлаб икки кун муддатда кўриб чиқилади. Тақдим этилган хужжатларда камчиликлар аниқланган тақдирда ишчи орган томонидан аттестацияга қўйишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва тегишли билдиришнома талабгорга бевосита топширилади ёки почта орқали юборилади. Билдиришномада аниқланган камчиликлар, камчиликларни бартараф этиш ҳамда такрорий кўриб чиқиши учун хужжатларни тақдим этиш муддати кўрсатилади.

14. Аттестациядан ўтишга қўйишнинг рад этилишига асос бўлган камчиликлар бир ой муддатда бартараф этилган тақдирда хужжатлар такроран кўриб чиқиши учун тақдим қилиниши мумкин.

15. Қуидагилар аттестациядан ўтишга қўйишнинг рад этилиши учун асос ҳисобланади:

зарур даражада расмийлаштирилмаган хужжатларни тақдим этганлик ёки хужжатларни тўлиқ ҳажмда тақдим этмаслик;

тақдим этилган хужжатларда ишончсиз ёки нотўри маълумотларнинг мавжудлиги.

Аттестациядан ўтишга бошқа асослар бўйича қўйилмасликка йўл қўйилмайди.

16. Тақдим этилган хужжатлар белгиланган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда талабгор хужжатлар олинган кундан бошлаб икки ой мобайнода аттестациядан ўтказилиши керак.

IV. Аттестацияни ўтказиши тартиби

17. Аттестация хужжатларнинг тақдим этилишига қараб ўтказилади, аттестациянинг ўтказилиш жойи ва вакти тўғрисида талабгор аттестация ўтказиладиган санадан камида ўн кун олдин хабардор қилинади.

18. Аттестацияга узрли сабабга кўра келмаган талабгорлар аттестация комиссиясининг кейинги навбатдаги мажлисида аттестациядан ўтказилади.

Аттестацияга узрсиз сабабга кўра келмаган талабгорларга ёзма огоҳлантириш юборилади. Аттестацияга узрсиз сабаб билан такорон келинмаган тақдирда аттестация комиссияси тақдим этилган хужжатлар (материаллар) асосида талабгорни аттестациядан ўтмаган деб хисоблаш ва унга аттестациядан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома беришни рад этиш ҳақида қарор чиқаришга ҳақлидир.

19. Аттестация комиссияси, агар унинг мажлисида комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашса ваколатли ҳисобланади.

Талабгор ишлайдиган ташкилотнинг вакили аттестация комиссияси мажлисида маслаҳат овози билан қатнашиши мумкин. Аттестация тугагандан кейин вакилнинг фикр-мулоҳазаси эшитилади.

20. Аттестация комиссияси мажлиси комиссия аъзоларини талабгорнинг хужжатлари билан таниширишдан бошланади.

21. Аттестация сухбат шаклида ўтказилади.

Сухбат жараёнида берилган саволлар ва талабгорнинг жавоблари (ип ўтказиб тикилган ва муҳр билан тасдиқланган) маҳсус журналда қайд этилади.

— Талабгор билан унинг касб фаолиятига боғлиқ бўлган конунчилик соҳаси, шу жумладан конституциявий хукуқ соҳаси, фуқаролик ва меҳнат конунчилиги асослари, шартномавий-хукукий фаолият, суд ишларини юритиш асослари бўйича сухбат ўтказилади.

+

Саволларнинг тахминий рўйхати ва аттестация комиссияларининг иш регламенти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

22. Аттестация комиссияси талабгорнинг билимлари ва иш тажрибасини ҳисобга олиб:

талабгорни аттестациядан ўтган деб эътироф этиш ва унга аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани бериш ҳақида;

талабгорни аттестациядан ўтмаган деб эътироф этиш ва унга аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қиласи.

23. Аттестация комиссиясининг қарорлари аттестация комиссиясининг мажлисида ҳозир бўлган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овоз бериш талабгорнинг иштирокисиз ўтказилади. Аттестация жараёни, шу жумладан аттестация комиссияси аъзолари, аттестациядан ўтказилаётган ходим, ташкилот вакили томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар, шунингдек аттестация комиссиясининг қарори аттестация комиссиясининг раиси ва котиби томонидан имзоланадиган протокол билан расмийлаштирилади. Овозлар teng бўлиб колган тақдирда раиснинг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

24. Аттестация натижалари овоз бериш жараёни тамом бўлгандан кейин дарҳол эълон қилинади.

25. Юридик хизматнинг аттестациядан ўтган ходимига икки кун муддатда ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

Гувоҳноманинг амал қилиш муддати — беш йил.

Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома бланкалари қатъий ҳисобот

бериладиган хужжатлар ҳисобланади, химояланганлик даражасига, ҳисобга олиш сериясига ва тартиб рақамига эга бўлади. Гувоҳномаларни олиш, ҳисобга олиш ва саклаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

26. Юридик хизматнинг аттестациядан ўтмаган ходими тақорорий аттестациядан ўтиш учун аттестация ўтказилган кундан уч ой ўтгач, бироқ олти ойдан кечикмай мурожаат қилиши мумкин.

Агар талабгор тақорорий аттестациядан ўта олмаса ёки кўрсатилган муддат мобайнинда тақорорий аттестациядан ўтиш учун мурожаат қилмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий органи ходимнинг иш жойи бўйича меҳнат қонунчилигига мувофиқ эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш ёхуд бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш зарурлиги хақида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритади.

27. Юридик хизмат ходимининг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг аттестация комиссияси қарорига кўра тўхтатилиши мумкин.

Кўйидагилар:

юридик хизмат ходими томонидан ўз хизмат мажбуриятлари бажарилмаслиги ёки зарур даражада бажарилмаслиги, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига зиён етказилишига олиб келган тақдирда;

гувоҳнома қалбаки хужжатлардан фойдаланиб олинганлиги ҳолати аниқланганлиги юридик хизмат ходимининг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиш учун асос бўлади.

28. Аттестация комиссиясининг қарори юзасидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

V. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномалар дубликатларини қайта расмийлаштириш ва бериш

29. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириш юридик хизмат ходимининг фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарган тақдирда, унинг аризаси асосида амалга оширилади.

Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома қайта расмийлаштирилгунга қадар юридик хизмат ходими ўз фаолиятини илгари берилган гувоҳнома асосида амалга оширади.

30. Қайта расмийлаштириш пайтида аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги янги гувоҳнома берилади, ушбу гувоҳномада олдинги гувоҳномада кўрсатилган амал қилиш муддати қайд этилган бўлиши керак. Аттестациядан ўтганлик тўғрисида олдин берилган гувоҳнома бекор қилинади.

31. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда юридик хизмат ходимининг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

32. Дубликатни беришда юридик хизмат ходимига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия органлари томонидан «ДУБЛИКАТ» белгиси кўйилган аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги янги гувоҳнома берилади, ушбу гувоҳномада олдинги гувоҳномада кўрсатилган амал қилиш муддати қайд этилган бўлиши керак.

33. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома қайта расмийлаштирилиши ва дубликати берилиши учун аттестациядан ўтиш талаб қилинмайди.

VI. Юридик хизмат ходимлари малакасини ошириш

34. Юридик хизматлар ходимлари малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази (кейинги ўринларда «Марказ» деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Юридик хизмат ходимлари малакасини ошириш ҳар беш йилда камида бир марта амалга оширилади.

35. Малака ошириш муддати икки ҳафтадан кам бўлиши мумкин эмас.

Юридик хизматларнинг малака оширишдан ўтган ходимларига белгиланган намунадаги сертификат берилади.

Малака ошириш дастурлари ва шакллари, шунингдек сертификат шакли Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Юридик хизматлар ходимлари малакасини ошириш дастурлари Вазирлар Махкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини хукукий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 24 августдаги 182-сон карори билан белгиланган юридик хизматларнинг асосий вазифаларига мувофиқ бўлиши керак.

36. Юридик хизматлар ходимлари малакасини ошириш Марказ билан тегишли ташкилот ўртасида тузиладиган шартномалар асосида тўлов эвазига амалга оширилади.

Малака ошириш учун тўлов микдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишув бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

37. Малака ошириш даврида юридик хизматлар ходимларига уларнинг иш жойи бўйича иш хақи ва лавозими сақланади. Хизмат сафари харажатлари малака оширишга юборган тегишли ташкилотлар хисобидан қопланади.

+

VII. Якуний қоидалар

38. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг худудий органлари юридик хизматларнинг ходимлари ҳисобини юритади.

39. Ташкилотларнинг юридик хизматлари ва уларнинг ходимлари ҳисобга олинишини ва улар тўғрисидаги ахборотнинг тизимлаштирилишини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик хизматларнинг кадрлар таркиби, ушбу хизматлар ходимлари аттестациядан ўтиши ва малака ошириши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган юридик хизматлар маълумотлари базасини шакллантиради ва уни марказлаштирилган тартибда юритади.

40. Худудий адлия органлари йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юридик хизматлар маълумотлари базасига киритиш ва уни мунтазам равища янгилаб бориш учун юридик хизматлар, уларнинг ходимлари ва уларнинг белгиланган муддатларда аттестациядан ўтиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

41. Марказ йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юридик хизматлар маълумотлари базасига киритиш ва уни мунтазам равища янгилаб бориш учун юридик хизматларнинг малака оширишдан ўтган ходимлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

42. Юридик хизматлар маълумотлари базасини шакллантириш ва юритиш тар-

тиби, маълумотлар базасига киритиш учун маълумотларни тақдим этиш шакли ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги
гувоҳномани олиш учун талабгор
А Н К Е Т А С И**

3 x 4 см
ўлчамли
фотосурат учун
жой

1. Фамилияси _____
Исми _____
Отасининг исми _____
2. Тугилган санаси (йил, кун ва ой) _____
3. Паспортнинг серияси, тартиб
рақами, берилган санаси ва
уни берган органнинг номи:

4. Яшаш жойи
вилоят _____ шаҳар (туман) _____
кўча _____ уй, квартира
телефон _____ рақами _____
_____ факс _____
5. Маълумоти
Таълим муассасасининг номи
Мутахассислиги _____ Тамомлаган йили _____
6. Мехнат фаолияти

T/p	Ой ва йил		Ташкилот кўрсатилган ҳолда лавозими	Ташкилот жойлашган жой
	ишга кирган вақти	ишдан бўшаган вақти		

7. Юридик хизмат ходими сифатидаги меҳнат фаолияти

T/p	Ой ва йил		Ташкилот кўрсатилган ҳолда лавозимга тайинлаш	Ташкилот жойлашган жой
	тайинланди	озод қилинди		

Тўлдирилган санаси _____ Шахсий имзо _____

Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
2 ИЛОВА

(Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби)

**Юридик хизмат ходими аттестациядан ўтганлиги ҳақида
ГУВОҲНОМА**

№
(серияси)

Ушбу билан _____
(юридик хизмат ходимининг фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ да аттестациядан ўтганлиги тасдиқланади
(аттестацияни ўтказган адлия органининг номи)

ва у давлат бошқаруви ҳамда махаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизматида ишлаши мумкин.

Гувоҳнома

_____ гача амал қиласди.
(йил, кун ва ой)

Аттестация комиссияси раиси:

_____ (имзо) (фамилияси, исми, отасининг исми)

М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ

473 Саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмалар янги конларини очганлик ёки илгари маълум бўлган конларни (конларнинг участкаларини) тубдан қайта баҳолаганлик учун пул мукофотлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 46-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмалар янги конларини очганлик ёки илгари маълум бўлган конларни (конларнинг участкаларини) тубдан қайта баҳолаганлик учун пул мукофотлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Фойдали қазилма конларини биринчи очувчилар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 2 июндаги 279-сон ва «Саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмалар янги конларини очганлик ёки илгари маълум бўлган конларни (конларнинг участкаларини) тубдан қайта баҳолаганлик учун давлат пул мукофотлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 2 июндаги 280-сон қарорлари ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.С. Санакулов зиммасига юклансин.

+

-

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазари**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 22 ноябрь,
245-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 22 ноябрдаги 245-сон қарорига
ИЛОВА

**Саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмалар янги конларини очганлик ёки илгари маълум бўлган конларни (конларнинг участкаларини) тубдан қайта баҳолаганлик учун пул мукофотлари тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган, фойдали қазилмаларнинг саноат аҳамиятига эга бўлган илгари маълум бўлмаган конларини очганлик, қидирганлик, шунингдек илгари маълум бўлган конда унинг саноатдаги аҳамиятини жиддий равишда кўпайтирадиган фойдали қазилмаларнинг кўшимида захираларини ёки янги фойдали қазил-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

малар ва қўшилиб чиқадиган фойдали компонентларни аниқлаганлик учун жисмоний шахсларга пул мукофоти тўлаш миқдори, манбаи ва тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом кенг тарқалган фойдали қазилмалар конларини очган ва қидирган шахсларга, шунингдек, агар геология-кидирув ишлари ва (ёки) конларни ишлатиш ер ости бойликларидан фойдаланувчининг ўз маблағлари хисобига амалга оширилган бўлса, саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмаларнинг илгари маълум бўлмаган конларини очиш, қидириш, шунингдек илгари маълум бўлган конда унинг саноат аҳамиятини жиддий равишда кўпайтирадиган фойдали қазилмаларнинг қўшимча захираларини ёки янги фойдали қазилмалар ва қўшилиб чиқадиган фойдали компонентларни очган, қидирган шахслар пул мукофоти олиш ҳуқуқига эга бўлади.

3. Пул мукофотлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тўланади.

4. Ўзбекистон Республикаси худудида саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмаларнинг илгари маълум бўлмаган конларини очган, қидирган, шунингдек илгари маълум бўлган конда унинг саноат аҳамиятини жиддий равишда кўпайтирадиган фойдали қазилмаларнинг қўшимча захираларини ёки янги фойдали қазилмалар ва қўшилиб чиқадиган фойдали компонентларни очган, қидирган шахслар пул мукофоти олиш ҳуқуқига эга бўлади.

5. Фойдали қазилмаларнинг қўшимча захиралари ёки янги фойдали қазилмалар ва қўшилиб чиқадиган фойдали компонентлар аниқланганлиги муносабати билан саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмаларнинг илгари маълум бўлган конини (кон участкасини) тубдан қайта баҳолаш тўгрисидаги қарор захиралар хисоблаб чиқилган материалларни кўриб чиқиша Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси хузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан белгиланган тартибида қабул қилинади.

6. Пул мукофоти фақат фойдали қазилмалар кони (коннинг участкаси) захиралари белгиланган тартибида тасдиқлангандан кейин тўланиши мумкин.

7. Захиралар таснифини фойдали қазилмаларнинг ҳар хил турлари конларига нисбатан қўллашга доир йўриқномага мувофиқ конлар геологик таркибининг мураккаблиги бўйича тўрт гурухга бўлинади.

Ушбу Низом мақсадлари учун C_2 тоифали қаттиқ фойдали қазилма конлари захиралари фойдали қазилма турига ва коннинг геологик таркиби мураккаблиги гурухига караб:

- а) геологик таркиби мураккаблигига кўра биринчи гурух конлари бўйича — тасдиқланган захираларнинг 30 фоизи;
- б) геологик таркиби мураккаблигига кўра иккинчи гурух конлари бўйича — тасдиқланган захираларнинг 50 фоизи;
- в) геологик таркиби мураккаблигига кўра учинчи гурух конлари бўйича — тасдиқланган захираларнинг 70 фоизи;
- г) геологик таркиби мураккаблигига кўра тўртинчи гурух конлари бўйича — тасдиқланган захираларнинг 100 фоизи миқдорида хисобга олинади.

8. Иқтисодий аҳамиятига қараб фойдали қазилмалар конлари захираларининг миқдори, сифати ва уларни саноат йўли билан ўзлаштириш шартлари ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ $A+B+C_1+C_2$ тоифали тасдиқланган захираларнинг умумий сонидан келиб чиқиб тўрт асосий гурухга бўлинади.

Бунда қаттиқ фойдали қазилма конлари бўйича C_2 тоифали захиралар коннинг умумий захираларида ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган хисоб-китоб коэффициентлари хисобга олинган ҳолда қабул қилинади, углеводород конлари ва ер ости сувлари бўйича эса C_2 тоифали захиралар хисобга олинмайди.

Захиралари миқдори ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ конларнинг IV гурухи

учун назарда тутилганидан паст бўлган фойдали қазилмалар конларини очганлик ва қидирганлик учун пул мукофоти тайинланмайди.

9. Комплекс коннинг умумий захиралари ва саноатдаги аҳамияти қазиб олиш рентабеллиги технологик синовлар ва техник-иктисодий хисоб-китоблар билан тасдиқланган қўшилиб чиқадиган фойдали компонентлар мавжуд бўлган тақдирда ўтказма қиймат коэффициентларини қўллаш йўли билан асосий фойдали қазилмада қайта хисоблаб чиқиб аниқланади.

**II. Фойдали қазилмалар конини (коннинг участкасини)
очганлик ёки тубдан қайта баҳолаганлик учун пул мукофоти
миқдорини белгилаш тартиби**

10. Фойдали қазилмаларнинг янги конини очганлик ёки илгари маълум бўлган конни (коннинг участкасини) тубдан қайта баҳолаганлик учун пул мукофоти миқдорини белгилаш тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат геология қўмитаси деб аталади) хузуридаги Фойдали қазилмалар конларини очганлик учун мукофотлаш бўйича идоралараро комиссия (кейинги ўринларда Идоралараро комиссия деб аталади) ташкил этилади.

Идоралараро комиссия Давлат геология қўмитаси, етакчи кон корхоналари ҳамда нефть ва газ қазиб олувчи корхоналар, ташкилотлар ва илмий-тадқиқот институтлари вакилларидан шакллантирилади.

Давлат геология қўмитасининг раиси Идоралараро комиссиянинг раиси хисобланади. Идоралараро комиссиянинг таркиби тегишли корхоналар, ташкилотлар ва илмий-тадқиқот институтлари билан келишган ҳолда Давлат геология қўмитаси раиси томонидан тасдиқланади.

Идоралараро комиссия ушбу Низомга 1-илова ва захиралар тасниfinи фойдали қазилмаларнинг тегишли турига кўллашга доир йўрикнома асосида конни фойдали қазилмалар захиралари миқдори бўйича коннинг тегишли гурухига тегишли деб топади ва мана шу асосда конни очганлик ёки тубдан қайта баҳолаганлик учун пул мукофоти миқдорини белгилайди.

11. Фойдали қазилмалар захиралари миқдори бўйича конларнинг гурухига ва уларнинг турига караб пул мукофоти миқдори:

а) асл металлар, уран, вольфрам, қалай, молибден, бошқа нодир металлар ва углеводородларнинг янги конларини очганлик ёки илгари маълум бўлган конларни (конларнинг участкаларини) тубдан қайта баҳолаганлик учун:

I гурух конлари бўйича — энг кам ойлик иш ҳақининг 1800 бараваригача миқдорни;

II гурух конлари бўйича — энг кам ойлик иш ҳақининг 1500 бараваригача миқдорни;

III гурух конлари бўйича — энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваригача миқдорни;

IV гурух конлари бўйича — энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваригача миқдорни;

б) фойдали қазилмалар бошқа турларининг янги конларини очганлик ёки илгари маълум бўлган конларини (конларнинг участкаларини) тубдан қайта баҳолаганлик учун:

I гурух конлари бўйича — энг кам ойлик иш ҳақининг 1200 баравари миқдоригачани;

II гурух конлари бўйича — энг кам ойлик иш ҳақининг 900 баравари миқдоригачани;

III гурух конлари бўйича — энг кам ойлик иш ҳақининг 600 баравари миқдоригачани;

IV гурух конлари бўйича — энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баравари миқдоригачани ташкил қиласи.

12. Асл металлар, уран, вольфрам, қалай, молибден, бошқа нодир металлар ёки захиралари I гурух конлари учун белгилангандан анча ошадиган углеводородлар (ушбу Низомга 1-илова) конлари очилган тақдирда у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан фойдали қазилма конлари захиралари бўйича ноёб хисобланishi мумкин.

Бунда захиралари бўйича ноёб фойдали қазилма конини очганлик учун маҳсус пул мукофоти миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан белгиланади.

13. Пул мукофоти бўйича материалларни тайёрлаш ва Идоралараро комиссияга тақдим этиш манфаатдор корхоналар, ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Кўрсатиб ўтилган материалларда кўйидагилар бўлиши керак:

а) саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмаларнинг янги конини очганлик ёки илгари маълум бўлган конни (кон участкасини) тубдан баҳолаганлик учун пул мукофоти тўлаш тўғрисидаги илтимоснома;

б) коннинг жуғрофий-иктисодий холатига, тасдиқланган захиралар таркиби ва миқдорига, уларни қидиришнинг асосли техник-иктисодий кўрсаткичларига доир маълумотлардан ҳамда конни ушбу фойдали қазилмалар захиралари миқдори бўйича ушбу Низомнинг 1-иловасида назарда тутилган гурухлардан бирига киритишини асословчи бошқа маълумотлардан иборат бўлган изоҳнома;

в) корхона (ташкилот)нинг ёки геология-қидирив ишларини ҳамда кон (кон участкаси) бўйича захираларни хисоблаб чиқишни ёхуд илгари маълум бўлган конни (кон участкасини) тубдан қайта баҳолашни амалга оширган корхона (ташкилот) хукуқий ворисининг биринчи раҳбари томонидан имзоланган пул мукофотига тавсия этилган шахслар рўйхати. Рўйхатда улардан ҳар бирининг конни (кон участкасини) очиш ва қидириш ёки тубдан қайта баҳолашдаги шахсий ҳиссаси ҳамда маҳсус пул мукофотининг тавсия этилаётган миқдори ушбу Низомга 2-иловага муовфикашакл бўйича кўрсатилади.

Фойдали қазилмаларнинг янги конини очишида ёки илгаридан маълум бўлган конни (кон участкасини) тубдан қайта баҳолашда қатнашган, лекин кўрсатиб ўтилган материаллар тайёрланаётган вақтда вафот этган шахслар ҳам мукофотлашга тавсия этилаётган шахслар рўйхатига киритилиши мумкин.

Фойдали қазилмаларнинг янги конини очишида ва разведка қилишда ёки маълум бўлган конни (кон участкасини) тубдан қайта баҳолашда бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг мутахассислари қатнашган ҳолларда мукофотлашга тавсия этилаётган шахслар рўйхати кўрсатиб ўтилган корхоналар ва ташкилотлар билан келишилган бўлиши керак.

14. Махсус пул мукофотининг миқдори конни очганлик, саноат жиҳатидан баҳолаганлик учун мукофотлашга тавсия этилган шахсларнинг қўшган шахсий хиссасига боғлиқ ҳолда белгиланади ва у қўйидаги миқдордан ошмаслиги керак:

а) асл металлар, уран, вольфрам, қалай, молибден ва бошқа нодир металлар, углеводород ҳом ашёсининг янги конларини очганлик ёки илгаридан маълум бўлган конни (кон участкаларини) тубдан қайта баҳолаганлик учун:

I гурух конлари бўйича — энг кам ойлик иш ҳақининг 180 баравари миқдорида;

II гурух конлари бўйича — энг кам ойлик иш ҳақининг 150 баравари миқдорида;

III гурух конлари бўйича — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорида;

IV гурух конлари бўйича — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида;

б) фойдали қазилмалар бошқа турларининг янги конларини очганлик ёки илгари маълум бўлган конларни (кон участкаларини) тубдан қайта баҳолаганлик учун:

I гурух конлари бўйича — энг кам ойлик иш ҳақининг 120 баравари миқдорида;

II гурух конлари бўйича — энг кам ойлик иш ҳақининг 90 баравари миқдорида;

III гурух конлари бўйича — энг кам ойлик иш ҳақининг 60 баравари миқдорида;

IV гурух конлари бўйича — энг кам ойлик иш ҳақининг 40 баравари миқдорида.

15. Махсус пул мукофотининг энг катта суммаси фойдали қазилмаларнинг янги конини очган шахсларга ёки уларнинг илгари маълум бўлган конни (кон участкасини) тубдан қайта баҳолашга энг кўп хисса кўшган шахсларга тайинланади. Шунингдек у захираларни хисоблашга киритиладиган хисбот муаллифларига, улардан ҳар бирининг конни очишига ва қидиришга ёки тубдан қайта баҳолашга кўшган хиссаси даражасини хисобга олган ҳолда белгиланиши мумкин.

Мукофот мутахассиснинг объектни очиш ва қидириш давридаги ишлари натижаларига қараб, унинг пул мукофотини тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш давридаги иш жойидан қатъи назар, белгиланади.

16. Агар конни очган шахс захираларни хисоблаш билан бирга хисбот муаллифи хам бўлса, у ҳолда Идоралараро комиссия қарорига кўра пул мукофоти миқдори қўшимча равиша 10 — 20 фоизга оширилиши мумкин.

17. Мукофотлаш учун тавсия этилган бошқа шахсларга махсус пул мукофоти миқдори конни очган шахсларга ёхуд захираларни хисоблаш билан бирга хисбот муаллифларига белгиланган миқдордан ошмаслиги керак.

18. Пул мукофоти фойдали қазилмаларнинг янги конини очишида ва қидиришда ёки илгари маълум бўлган конни (кон участкасини) тубдан қайта баҳолашда бевосита қатнашган геология соҳасидаги мутахассисларга (геологларга, гидрогоеологларга, геофизикларга, технологларга ва бошқаларга), шунингдек қидиришнинг юқори суръатларини ва ишончлилигини бевосита таъминлаган техника соҳаси ва бошқа соҳа мутахассисларига тўланади.

III. Пул мукофотининг махсус миқдорини белгилаш шартлари ва уни тўлаш тартиби

19. Идоралараро комиссия икки ой мuddатда тақдим этилган материалларни кўриб чиқади ва фойдали қазилмаларнинг янги конини очган, қидирган шахсларга ёки илгари маълум бўлган конни (кон участкасини) тубдан қайта баҳолашга салмоқли хисса кўшган шахсларга пул мукофотининг махсус миқдорини белгилаш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Пул мукофотларини тўлаш тўғрисидаги қарор Идоралараро комиссия протоко-

ли билан расмийлаштирилади, протокол имзолангандан кейин беш кун муддатда мукофотлаш учун материаллар тақдим этган корхоналарга, ташкилотларга юборилади.

20. Идораларо комиссия қарори асосида пул мукофотини тўлаш Давлат геология қўмитаси томонидан амалга оширилади.

21. Пул мукофотига тавсия қилинган шахс вафот этган тақдирда унга тегишли бўлган пул мукофоти унинг меросхўрига қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда тўланади.

IV. Пул мукофотини тўлаш манбаи

22. Фойдали қазилмаларнинг янги конларини очганлик ёки илгари маълум бўлган конларни (кон участкаларини) тубдан баҳолаганлик учун пул мукофотлари Давлат геология қўмитаси томонидан ўз маблағлари ҳисобига тўланади.

23. Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ пул мукофотини тўлаш харажатлари бошқа операцион харажатларга киритилади.

V. Якуний қоидалар

— 24. Идораларо комиссиянинг фойдали қазилмаларнинг янги конларини очганлик ёки илгари маълум бўлган конларни (кон участкаларини) тубдан баҳолаганлик учун пул мукофотларини тўлаш масалалари бўйича қарорлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгилangan тартибда шикоят қилиниши мумкин.

+

+

Саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмалар янги конларини очганлик ёки илгари маълум бўлган конларни (конларнинг участкаларини) тубдан кайта баҳолаганлик учун пул мукофотлари тўғрисида низомга
1-ИЛОВА

Фойдали қазилмалар захираларининг гурух ва миқдори бўйича конлар таснифи

T/p	Фойдали қазилма	I гурух	II гурух	III гурух	IV гурух
1	2	3	4	5	6
<i>Rangli, nodir va asl metalllar konlari</i>					
1.	Мис	1 млн. тоннадан зиёд мис захирали	0,8 — 1,0 млн. тонна мис захирали	0,6 — 0,8 млн. тонна мис захирали	Ишлаб турган корхоналар районларида 0,5 — 0,6 млн. тонна мис захирали
2.	Қўргошин ва рух	2 млн. тоннадан зиёд металллар захирали	1,2 — 2 млн. тонна металл захирали	0,6 — 1,2 млн. тонна металл захирали	Ишлаб турган корхоналар районларида 0,2 — 0,6 млн. тонна металл захирали
3.	Қалай а) асосий конлар б) тарқоқ конлар	50 минг тоннадан зиёд қалай захирали 7 минг тоннадан зиёд қалай захирали	30 — 50 минг тонна қалай захирали 5 — 7 минг тонна қалай захирали	Ишлаб турган корхоналар яқинидаги 20 — 30 минг тонна қалай захирали 3 — 5 минг тонна қалай захирали	Ишлаб турган корхоналар яқинидаги 10 — 20 минг тонна қалай захирали Ишлаб турган корхоналар яқинидаги 1 — 3 минг тонна қалай захирали
4.	Молибден	50 минг тоннадан зиёд молибден захирали	30 — 50 минг тонна молибден захирали	20 — 30 минг тонна молибден захирали	Ишлаб турган корхоналар яқинидаги 10 — 20 минг тонна молибден захирали
5.	Вольфрам а) асосий конлар б) тарқоқ конлар	150 минг тоннадан зиёд вольфрам уч оксиди захирали 7 минг тоннадан зиёд вольфрам уч оксиди захирали	100 — 150 минг тонна вольфрам уч оксиди захирали 5 — 10 минг тонна вольфрам уч оксиди захирали	50 — 100 минг тонна вольфрам уч оксиди захирали 3 — 5 минг тонна вольфрам уч оксиди захирали	Ишлаб турган корхоналар яқинидаги 10 — 50 минг тонна вольфрам уч оксиди захирали Ишлаб турган корхоналар яқинидаги 1 — 3 минг тонна вольфрам уч оксиди захирали
6.	Симоб	15 минг тоннадан зиёд симоб захирали	7 — 15 минг тонна симоб захирали	3 — 7 минг тонна симоб захирали	Ишлаб турган корхоналар яқинидаги 1 — 3 минг тонна симоб захирали
7.	Висмут	10 минг тоннадан зиёд висмут захирали	5 — 10 минг тонна висмут захирали	3 — 5 минг тонна висмут захирали	Ишлаб турган корхоналар яқинидаги 1 — 3 минг тонна висмут захирали

№ 1	Фойдалы қазилма	I гурӯҳ		II гурӯҳ		III гурӯҳ		IV гурӯҳ	
		2	3	4	5	6			
8.	Сурма	200 минг тоннадан зиёд сурма захиралы	100 — 200 минг тонна сурма захиралы	50 — 100 минг тонна сурма захиралы	Ишлаб турган корхоналар якнидаги 10 — 50 минг тонна сурма захиралы				
9.	Титан	—	—	10 минг тоннадан зиёд титан иккى оксиди захиралы	Ишлаб турган корхоналар якнидаги 3 — 10 млн тонна титан иккى оксиди захиралы				
10.	Ниобий	150 минг тоннадан зиёд иибий беш оксиди захиралы	100 — 150 минг тонна иибий беш оксиди захиралы	50 — 100 минг тонна иибий беш оксиди захиралы	Ишлаб турган корхоналар якнидаги 30 — 50 минг тонна иибий беш оксиди захиралы				
11.	Бериллий	20 минг тоннадан зиёд бериллий оксиди захиралы	15—20 минг тонна бериллий оксиди захиралы	10—50 минг тонна бериллий оксиди захиралы	Ишлаб турган корхоналар якнидаги 5 — 10 минг тонна бериллий оксиди захиралы				
12.	Тантал	5 минг тоннадан зиёд тантал беш оксиди захиралы	3—5 минг тонна тантал беш оксиди захиралы	2—3 минг тонна тантал беш оксиди захиралы	0,5 минг тонна тантал беш оксиди захиралы				
13.	Литий	300 минг тоннадан зиёд литий оксиди захиралы	100—300 минг тонна литий оксиди захиралы	70—100 минг тонна литий оксиди захиралы	Ишлаб турган корхоналар якнидаги 50 — 70 минг тонна литий оксиди захиралы				
14.	Цезий	5 минг тоннадан зиёд цезий оксиди захиралы	2—5 минг тонна цезий оксиди захиралы	1—2 минг тонна цезий оксиди захиралы	Ишлаб турган корхоналар якнидаги 0,5 — 1,0 минг тонна цезий оксиди захиралы				
15.	Германий	—	—	1 тонна күмпирда 100 г дан зиёд германий бўлган кўмир конваридаги 1,5 минг тоннадан ортиқ германий захиралы	1 тонна кўмпирда 100 г дан зиёд германий бўлган кўмир конваридаги 0,5—1,5 минг тоннадан ортиқ германий захиралы				
16.	Стронций	—	—	75—150 минг тонна целестин ёки стронцианит захиралы	Янги руда жисмларидан захираларидаги 40—75 минг тонна целестин ёки стронцианит захиралы				
17.	Уран а) Учкулук (қўмтош тури) б) гидрогермал тури в) полиген тури	50 минг тоннадан зиёд металл захиралы 5 минг тоннадан зиёд металл захиралы 10 минг тоннадан зиёд металл захиралы	10—50 минг тонна металл захиралы 3—5 минг тонна металл захиралы 5—10 минг тонна металл захиралы	5—10 минг тонна металл захиралы 1—3 минг тонна металл захиралы 3—5 минг тонна металл захиралы	Ишлаб турган корхоналар якнидаги 1—5 минг тонна металл захиралы Ишлаб турган корхоналар якнидаги 0,2 — 1 минг тонна металл захиралы Ишлаб турган корхоналар якнидаги 1—3 минг тонна металл захиралы				

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

+

№	Фойдалануудың қазыншылығы	I ГУРУХ		II ГУРУХ		III ГУРУХ		IV ГУРУХ		
		2	3	4	5	6				
18.	Олтин а) асосий конлар	а) фабрикала қайта ишлешүү үчүн 30—50 тонна олтин захиралы б) зичлаб ишкөргө солиши үчүн 70—100 тонна олтин захиралы захиралы	а) фабрикала қайта ишлешүү үчүн 30—50 тонна олтин захиралы б) зичлаб ишкөргө солиши үчүн 50—70 тонна олтин захиралы	а) фабрикала қайта ишлешүү үчүн 30—50 тонна олтин захиралы б) зичлаб ишкөргө солиши үчүн 10—50 тонна олтин захиралы	а) Ишлаб түрган корхоналар якнидагы фабрикала қайта ишлешүү үчүн 5—15 тонна олтин захиралы б) Ишлаб түрган корхоналар якнидагы зичлаб ишкөргө солиши үчүн 10—50 тонна олтин захиралы	а) Ишлаб түрган корхоналар якнидагы фабрикала қайта ишлешүү үчүн 30—50 тонна олтин захиралы б) Ишлаб түрган корхоналар якнидагы зичлаб ишкөргө солиши үчүн 10—50 тонна олтин захиралы	1—2 тоннадан эндөттүү захиралы	1—2 минг тонна кумуш захиралы	0,3—1,0 минг тонна кумуш захиралы	
19.	Кумуш	3 минг тоннадан эндөттүү кумуш захиралы	2—3 минг тонна кумуш захиралы	0,5—1,0 млрд. тонна темир рудасы захиралы	300—500 млн. тонна темир рудасы захиралы	Ишлаб түрган корхоналар якнидагы 100—300 млн. тонна темир рудасы захиралы	0,3—1,0 минг тонна кумуш захиралы	0,3—1,0 минг тонна кумуш захиралы		
20.	Темир рудасы	1 млрд. тоннадан зидэй темир рудасы захиралы	1 млрд. тоннадан зидэй темир рудасы захиралы	50—100 млн. тонна марганец рудасы захиралы	20—50 млн. тонна марганец рудасы захиралы	Ишлаб түрган корхоналар якнидагы 100—300 млн. тонна темир рудасы захиралы	5—20 млн. тонна марганец рудасы захиралы	5—20 млн. тонна марганец рудасы захиралы		
21.	Марганец рудасы	100 млн. тоннадан зидэй марганец рудасы захиралы	100 млн. тоннадан зидэй марганец рудасы захиралы	30—100 млн. тонна нефть захиралы	10—30 млн. тонна нефть захиралы	Нефть қазіб однайттан конлар ванышлаб түрган нефть күнүрләри якнидагы 10 млн. тонна аял нефть захиралы	Иирлек саюат марказдары ёки газ қазіб однайттан конлар ванышлаб түрган газ күнүрләри якнидагы 10 млрд. м ³ тачаға тағы захиралы	Иирлек саюат марказдары ёки газ қазіб однайттан конлар ванышлаб түрган газ күнүрләри якнидагы 10 млрд. м ³ тачаға тағы захиралы		
22.	Нефть	100 млн. тоннадан зидэй нефть захиралы	100 млн. тоннадан зидэй нефть захиралы							
23.	Табиий газ	100 млрд. м ³ дай зидэй газ захиралы	30—100 млрд. м ³ газ захиралы	30—30 млрд. м ³ газ захиралы	10—30 млрд. м ³ газ захиралы	а) ишлаб түрган корхоналар якнидагы 100—300 млн. тонна энергетик тошкүмүр захиралы б) ишлаб түрган корхоналар якнидагы 100—300 млн. тонна күмпир захиралы	а) ишлаб түрган корхоналар якнидагы 100—300 млн. тонна энергетик тошкүмүр захиралы б) ишлаб түрган корхоналар якнидагы 100—300 млн. тонна күмпир захиралы	а) ишлаб түрган корхоналар якнидагы 100—300 млн. тонна энергетик тошкүмүр захиралы б) ишлаб түрган корхоналар якнидагы 100—300 млн. тонна күмпир захиралы		
24.	Күмпир	—	—	Каръердан қазыб олиши учун ярокки бүлгөн 1 млрд. тонна күл раг күмпир захиралы	Каръердан қазыб олиши учун ярокки бүлгөн 0,5—1 млрд. тонна күл раг күмпир захиралы	а) 300 млн. тоннадан зидэй энергетик тошкүмүр захиралы б) каръердан қазыб олиши учун ярокки бүлгөн 300—500 млн. тонна күл раг күмпир захиралы в) ер остидан қазыб олиши учун ярокки бүлгөн 300 млн. тоннадан зидэй күл раг күмпир захиралы	а) 300 млн. тоннадан зидэй энергетик тошкүмүр захиралы б) каръердан қазыб олиши учун ярокки бүлгөн 300—500 млн. тонна күл раг күмпир захиралы в) ер остидан қазыб олиши учун ярокки бүлгөн 300 млн. тоннадан зидэй күл раг күмпир захиралы	а) 300 млн. тоннадан зидэй энергетик тошкүмүр захиралы б) каръердан қазыб олиши учун ярокки бүлгөн 300—500 млн. тонна күл раг күмпир захиралы в) ер остидан қазыб олиши учун ярокки бүлгөн 300 млн. тоннадан зидэй күл раг күмпир захиралы		
25.	Ёнчүчи сланеплар	—	—	—	—	300—500 млн. тонна захиралы	Ишлаб түрган корхоналар якнидагы 100—300 млн. тонна захиралы	Ишлаб түрган корхоналар якнидагы 100—300 млн. тонна захиралы		

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳуҗжжатлари түплами, 2007 й.

№	Номи	Фойдалари қазилма		I гурӯҳ		II гурӯҳ		III гурӯҳ		IV гурӯҳ		
		2	3	4	5	6						
26.	Олмослар	50 млн. каратдан зиёд олмос захиралари	20—50 млн. карат олмос захиралари	15—20 млн. карат олмос захиралари	10—15 млн. карат олмос захиралари							
27.	Хризотил асбести	3 фойздан ортик саноат толаси бўлган 10 млн. тоннадан зиёд асбест захиралари	3 фойздан ортик саноат толаси бўлган 3—5 млн. тонна асбест захиралари	3 фойздан ортик саноат толаси бўлган 1—3 млн. тонна асбест захиралари								
28.	Графит а) тантачали ва маъда кристалли графит б) аморф графит	— —	Рудада 40 фойздан ортик графит бўлган 20 млн. тоннадан зиёд руда захиралари	Рудада 30 фойздан ортик графит бўлган 10 млн. тоннадан зиёд руда захиралари	Рудада 30 фойздан ортик графит бўлган 10—15 млн. тонна руда захиралари	Рудада 30 фойздан ортик графит бўлган 3—5 млн. тонна руда захиралари	Рудада 30 фойздан ортик графит бўлган 1,5—3 млн. тонна руда захиралари	5—10 млн. тонна руда захиралари	3—10 млн. тонна руда захиралари	5—15 млн. тонна захиралари		
29.	Тальк	— —	— —	— —	— —	— —	— —	А маркали тальк 50 ортик бўлган 3—5 млн. тонна тальк захиралари	А ва В маркали тальк 50 фойздан ортик бўлган 1,5—3 млн. тонна тальк захиралари	5—10 млн. тонна захиралари		
30.	Тальк тоши Аброзив ҳом аниё	— а) корунд б) наражак	— —	— —	— —	— —	— —	Рудада 30 фойздан ортик корунд бўлган 100 минг тоннадан зиёд руда захиралари	Рудада 30 фойздан ортик корунд бўлган 100 минг тоннадан зиёд руда захиралари	Рудада 30 фойздан ортик корунд бўлган 30 минг тоннадан зиёд руда захиралари		
31.	Пъезооптик ҳом аниё	— а) пъезокварц б) оптик кальцит (исланд шпати)	— —	— —	— —	— —	— —	25 фойздан ортик юкори сорт (экстра ва I сорт) чикадиган 3—5 минг кг пъезокварц моноблоклар захиралари	Рудада 25 фойздан ортик корунд бўлган 100—200 минг тоннадак захиралари	Рудада 25 фойздан ортик корунд бўлган 100 минг тоннадак захиралари		
32.	Пъезооптик ҳом аниё	6 минг кг дан ортик юкори сорт (оптика, экстра ва I сорт) чикадиган 5—10 минг кг пъезокварц моноблоклар захиралари б) оптик кальцит (исланд шпати)	3,5—6 минг кг юкори сорт (оптика, экстра ва I сорт) чикадиган 3—5 минг кг пъезокварц моноблоклар захиралари 25 фойздан ортик юкори сорт (экстра ва I сорт) чикадиган 8 минг кг дан зиёд захиралари	1,5—3,5 минг кгдан ортик юкори сорт (оптика, экстра ва I сорт) чикадиган 3—5 минг кг пъезокварц моноблоклар захиралари 25 фойздан ортик юкори сорт (экстра ва I сорт) чикадиган 4—8 минг кг дан зиёд захиралари	0,5—1,5 минг кг юкори сорт (оптика, экстра ва I сорт) чикадиган 1,0—3,0 минг кг пъезокварц моноблоклар захиралари	1—2 минг кг захиралари						
	в) оптик флюорит г) чизикли кварц (кварц ойнаси ва оптик шина эритиш учун)	— —	— —	— —	— —	— —	— —	1 минг кг дан зиёд захиралари 0,5—1,0 млн. тонна захиралари	1 минг кг дан зиёд захиралари 0,2—0,5 млн. тонна захиралари	0,3—1 минг кг захиралари 0,2—0,5 млн. тонна захиралари		

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

+

№ 1	Фойдалы қазылма 2	I гурӯҳ		II гурӯҳ		III гурӯҳ		IV гурӯҳ	
		3	4	5	6				
33.	Техник топлар а) ақын б) халделон	—	—	Камидә 25 фонз I сорт чиқадиган 0,2—0,5 минг тонна ақын захиралы	Камидә 25 фонз I сорт чиқадиган 0,5—1,5 минг тонна техник халделон захиралы	Камидә 30 фонз I—II сорт чиқадиган 0,5—1,5 минг тонна техник халделон захиралы	Камидә 30 фонз I—II сорт чиқадиган 0,5—1,5 минг тонна техник халделон захиралы	Камидә 10 фонз токори (I ва II) сортлар чиқадиган 50— 200 кг.дан зиёд карралы хом апё захиралы	Камидә 10 фонз токори (I ва II) сортлар чиқадиган 50— 200 кг.дан зиёд карралы хом апё захиралы
34.	Ярым қымматбахо ранили тошлар а) асл конлардан аквамарин, аметист, циркон, хризолит, феруза ва башка қиймати уларга тенг бүлгән ярым қымматбахо тошлар б) таркот конлар	—	—	Камидә 25 фонз токори (I ва II) сортлар чиқадиган 300 кг.дан зиёд күрралы хом ашё захиралы	Камидә 10 фонз токори (I ва II) сортлар чиқадиган 200 кг.дан зиёд күрралы хом ашё захиралы	Камидә 25 фонз токори (I ва II) сортлар чиқадиган 50— 10 тоннадан зиёд хом ашё захиралы	Камидә 25 фонз токори (I ва II) сортлар чиқадиган 50— 10 тоннадан зиёд хом ашё захиралы	Камидә 25 фонз I ва II сортлар чиқадиган 50 тоннадан зиёд хом ашё захиралы	Камидә 25 фонз I ва II сортлар чиқадиган 50 тоннадан зиёд хом ашё захиралы
35.	Кўлла майда буюмлар тайёрланадиган рангили тошлар а) малахит б) каҳолонг в) одлий опал г) радионит д) мармар оникс	—	—	—	—	Камидә 25 фонз I ва II сортлар чиқадиган 200 тоннадан зиёд хом ашё захиралы	Камидә 25 фонз I ва II сортлар чиқадиган 200 тоннадан зиёд хом ашё захиралы	Камидә 25 фонз I ва II сортлар чиқадиган 50 тоннадан зиёд хом ашё захиралы	Камидә 25 фонз I ва II сортлар чиқадиган 50 тоннадан зиёд хом ашё захиралы
	е) асл конлардан гематит-кровавич ва башка унга тенг қымматлар	—	—	—	—	Камидә 25 фонз I ва II сортлар чиқадиган 200 тоннадан зиёд хом ашё захиралы	Камидә 25 фонз I ва II сортлар чиқадиган 200 тоннадан зиёд хом ашё захиралы	Камидә 25 фонз I ва II сортлар чиқадиган 50 тоннадан зиёд хом ашё захиралы	Камидә 25 фонз I ва II сортлар чиқадиган 50 тоннадан зиёд хом ашё захиралы
36.	Плавик шпат	2 мин. тоннадан зиёд плавик шпат захиралы	1—2 млн. тонна плавик шпат захиралы	0,8—1 млн. тонна плавик шпат захиралы	Ишлаб турган корхона яқинидаги 0,5—0,8 млн. тонна плавик шпат захиралы				

№	Фоийдаси қазилма	I гурӯҳ		II гурӯҳ		III гурӯҳ		IV гурӯҳ	
		2	3	4	5	6			
37.	Фосфориттар	50 млн. тоннадан зиёд P_2O_5 захиралари	30—50 млн. тонна P_2O_5 захиралари	10—30 млн.тонна P_2O_5 захиралари	10—30 млн.тонна P_2O_5 захиралари	Ишлаб турган корхона яқинидаги 5—10 млн. тонна P_2O_5 захиралари			
38.	Калий түзлар а) хлорид түз	20 фоиздан ортик калий оксили бўлган 1 млрд. тоннадан зиёд хом туз захиралари	20 фоиздан ортик калий оксили бўлган 0,6—1,0 млрд. тонна хом туз захиралари	20 фоиздан ортик калий оксили бўлган 400—600 млн. тонна хом туз захиралари	20 фоиздан ортик калий оксили бўлган 400—600 млн. тонна хом туз захиралари	Қазибодиш концерни якинидаги 200 — 400 млн. тонна хом туз захиралари			
	б) сульфат ва арадаш тузлар	10 фоиздан ортик калий оксили бўлган 500 млн. тоннадан зиёд хом туз захиралари	10 фоиздан ортик калий оксили бўлган 300—500 млн. тонна хом туз захиралари	200—300 млн. тонна хом туз захиралари	200—300 млн. тонна хом туз захиралари	100 — 200 млн. тонна хом туз захиралари			
	Ош тузи	—	—	—	—	300 млн. тоннадан зиёд хом туз захиралари	100—300 млн. тонна хом туз захиралари		
39.	а) озик-овқат саноати учун б) кимёс саноати учун	туз сифати ундан симб. электролизи ёки сода ишлаб чиқарили учун фойдаланиш имконини берадиган имконнан берадиган 1 млрд. тоннадан зиёд туз захиралари	туз сифати ундан сода ишлаб чиқарили учун фойдаланиш имконини берадиган 0,8—1 млрд. тонна туз захиралари	400—800 млн. тонна хом туз захиралари	400—800 млн. тонна хом туз захиралари	200—400 млн. тонна туз захиралари	100—300 млн. тонна хом туз захиралари		
40.	Натрий сульфат (мирабинит и тенардит)	10 млн. тоннадан зиёд захиралари	8—10 млн. тонна захиралари	5—8 млн. тонна захиралари	5—8 млн. тонна захиралари	2,5—5 млн. тонна захиралари			
41.	Соф олигинтуурт	20 млн. тоннадан зиёд олигинтуурт захиралари	15—20 млн. тонна олигинтуурт захиралари	7—15 млн. тонна олигинтуурт захиралари	7—15 млн. тонна олигинтуурт захиралари	2—7 млн. тонна олигинтуурт захиралари			
42.	Сапоаг сувлари а) таркибида камидга 15 мг/л йод бўлган йодли сувлар б) таркибида камидга 500 мг/л бром бўлган бромли сувлар	20 минг тоннадан зиёд йод захиралари ёки суткасига 25—35 минг м ³ сув захиралари	15—20 минг тоннадан ёки суткасига 25—35 минг м ³ сув захиралари	9—15 минг тоннадан ѹқи суткасига 15—25 минг м ³ сув захиралари	9—15 минг тоннадан ѹқи суткасига 15—25 минг м ³ сув захиралари	3—9 минг тоннадан ѹқи суткасига 5—15 минг м ³ сув захиралари			

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

+

№	Фойдалан қазилма	I гурӯҳ		II гурӯҳ		III гурӯҳ		IV гурӯҳ	
		2	3	4	5	6			
1	б) тархблода камида 10 мг/л йод, камида 250 мг/л бром бўлган йод-бромни сувнор	4,5 минг тоннадан зиёд йод ва 115 минг тонна бром захиралари ёки суткасига 45 минг м ³ сув захиралари	3—4,5 минг тонна йод ва 75—115 минг тонна бром ёки суткасига 30—45 минг м ³ сув захиралари	1,8—3,0 минг тонна йод ва 45—75 минг тонна бром ёки суткасига 18—30 минг м ³ сув захиралари	0,6—1,8 минг тонна йод ва 45—75 минг тонна бром ёки суткасига 6—18 минг м ³ сув захиралари				
43.	Барит	—	—	—	Рудалар 70 фонтздан ортик барий олигининг тузи бўлган 2—3 мин. тонна захиралари	Ишлаб турган корхоналар якинидаги рудалада 50 фонтздан ортик барий олигининг тузи бўлган 1—2 млн. тонна захиралари			
44.	Магнезитлар	100 мин. тоннадан зиёд захиралари	50—100 мин. тонна захиралари	30—50 мин. тонна захиралари	Ишлаб турган корхоналар якинидаги 10—30 мин. тонна захиралари				
45.	Брусыгилар	—	—	Бойитчиш талаб килинмай—диган 5 мин. тоннадан зиёд брушит захиралари	Бойитчиш талаб килинмай—диган 2—2,5 мин. тонна брушит захиралари				
46.	Доломитлар (металлургия ва кимё саноати учун)	—	—	Камидаги 30 мин. тоннадан ўтга чидамли смолдоломиглар ишлаб чикарали учун яроқни бўлган 100 мин. тоннадан зиёд доломит захиралари	30—100 мин. тонна захиралари				
47.	Оҳактош (металлургия, шинасозлик ва кимё саноати учун)	—	—	Металлургия ишлаб чикарили учун 150 мин. тоннадан зиёд захиралари	Металлургия ишлаб чикарили учун 30—150 мин. тонна захиралари				
48.	Гил а) ўтга чидамли гил б) кийин эрийдиган гил в) бентонит гил	—	—	15 мин. тоннадан зиёд захиралари 30—50 мин. тонна захиралари тепир рудаси ва болика оқитиш ва юкори сифатли асборебиглар тайёрлаш учун яроқни бўлган 15—25 мин. тонна захиралари	5—15 мин. тонна захиралари 10—30 мин. тонна захиралари 5—15 мин. тоннадан зиёд захиралари				
	г) агрокимё рудалари (бентонит, глауконит хом ашё)	50 мин. тоннадан зиёд захиралари	30—50 мин. тонна захиралари	20—30 мин. тонна захиралари	5—20 мин. тонна захиралари				
49.	Каолинлар	—	—	20 мин. тоннадан зиёд захиралари	5—20 мин. тонна захиралари				
50.	Кварцитлар — кимё ва абразив саноати учун феррокотникималар, карбид, кремний ва юкори кремнезёмли жинислар учун	—	—	30 мин. тоннадан зиёд захиралари	5—30 мин. тонна захиралари				
51.	Коилилари кумлари ва бопка колипаш материаллари	—	—	20 мин. тоннадан зиёд захиралари	8—20 мин. тонна захиралари				

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Т/п	Фойдалы қазилма	I гурӯҳ	II гурӯҳ	III гурӯҳ	IV гурӯҳ
1	2	3	4	5	6
52.	Цемент хом ашёси а) карбонат ва гили компонентлар б) гидравлик күштималар (трепел дигитомитлар, опокалар ва болқалар)	—	—	150 млн. тоннадан зиёд карбонат хом ашёси ва 50 млн. тоннадан зиёд гили компонентлар захиралари	75—150 млн. тонна карбонат хом ашёси ва 30—50 млн. тонна гили компонентлар захиралари
53.	Шинва саноати қумлари (дераза ойнаси ва маҳсус буюмлар үчун)	—	—	а) бойитилтандан кейин гаркинида 0,03 фонздан күп бўймаган темир осиди бўлган 15 млн. тоннадан зиёд кум захиралари б) бойитилтандан кейин гаркинида 0,015 фонздан кўп бўймаган темир осиди бўлган 5 млн. тоннадан зиёд кум захиралари	Бойитилтандан кейин гаркинида 0,03 фонздан кўп бўймаган темир осиди бўлган 10 млн. тонна кум бўлган 5—15 млн. тонна кум захиралари
54.	Пегматитлар ва полевошпат хом ашёсининг бошқа турлари	—	—	—	—
55.	Пардоzlани тошлиари а) декоратив-пардоzlани материаллари тайёрлаш учун отилиб чиқкан, мегаморфик ва бошқа жинслар б) мармартошлиар (архитектура-курилиш, майдад буомлар ясаш материаллари ва статуарлар	—	—	Камида 30 фонз блоклар чиқадиган 5 млн. м ³ тоннадан зиёд захиралари Камида 15 фонз блоклар чиқадиган 2 млн. м ³ рангли ва оқ мармар тошли мармартошли захиралари Камида 15 фонз блоклар чиқадиган 1 млн. м ³ рангли ва оқ мармар тошли мармартошли захиралари	Камида 30 фонз блоклар чиқадиган 2—5 млн. м ³ тоннадан зиёд захиралари Камида 15 фонз блоклар чиқадиган 1—2 млн. м ³ рангли ва оқ мармар тошли мармартошли захиралари Камида 15 фонз блоклар чиқадиган 1 млн. м ³ кумтоши захиралари
56.	Гипслар	—	—	—	Ушбу хом ашё танқас бўлган районларда 5 млн. тоннадан зиёд тис захиралари
57.	Бўртирилган ва композицион материаллар ишлаб чиқарни учун базальтилар ва бошқа эфрузин ва гили жинслар	—	—	—	3 млн. м ³ дан зиёд захиралари
58.	Волластонит (кулолчиллик ва саноатнинг бошқа гармоқлари үчун)	—	—	—	1 млн. м ³ дан зиёд захиралари

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Г/п 1	Фойдалани қазилма 2	I гурӯҳ 3		II гурӯҳ 4		III гурӯҳ 5		IV гурӯҳ 6		
		Силикат гишт ишлаб чиқарин құмлары	—	—	—	—	—	—	—	
59.	Оқак сүндіриш, силикат гишт ишлаб чиқарин ва бошқа жиһёжлар үшін мұлжалланған оқак-тоштар	Сұттымноти учун мұлжалланған чүчүк сувлар: а) сув захиралари ўта танкис бўлган чўл ва ядим чўл худудлардан чүчүк сувлар	—	Суткасига 100 минг м ³ дан зиёд захиралари	Суткасига 50—100 минг м ³ захиралари	10 мин. м ³ дан зиёд құм захиралари	10 млн. тоннадан зиёд охаскөш захиралари	—	—	
60.	Ўзбекистонning бонақ ҳудудларидаги чүчүк сувлар	Даволаниш учун фойдаланнападиган маъданлии сувлар: а) таркибида эрититиган карбонат кислота камидა 1 г/л ва маъданланғанин 4 г/л бўлган карбонат сувлар (боржоми, ессентуки, арзинистису, жермуқ, пятигорск турлари); б) таркибида эрититиган карбонат кислота камидা 1,5 г/л ва умумий маъданланғанин камида 2 г/л бўлган карбонат сувлар (кисловодск, дараусунс ва бошқа турлари); в) таркибида темир камидা 20 мг/л бўлган карбонат-темирлии сувлар ва таркибида мишияқ камидা 10 мг/л бўлган карбонат-мишияқлии сувлар;	—	—	Суткасига 200—300 минг м ³ захиралари	Суткасига 75—200 минг м ³ захиралари	Суткасига 100—250 минг м ³ захиралари	Суткасига 100—250 минг м ³ захиралари	—	—
61.		г) гидрокарбонат магнезий-кальцийлии сувларнинг нафтуся хилии (бальнесология таъсари тажрибада тасдиқланған); д) турии ион таркиблии ва таркибида камида 100 мг/л сульфид билан маъданштан сульфидни сувлар; е) таркибида радион 10 мккори (100 эман) дан оптик бўлган түрии ион таркибли радионли сувлар; ж) карбонатли (1,5 г/л дан оптик эрититиган карбонат кислотали) ёки термал (35° С дан ортик ёки 10 г/л оптик маъданланған) совук ва илик кам маъданштан сувлар;	—	—	Суткасига 25—50 минг м ³ захиралари	Суткасига 10—25 минг м ³ захиралари	Суткасига 400—800 минг м ³ захиралари	Суткасига 200—400 минг м ³ захиралари	Суткасига 250—500 минг м ³ захиралари	Суткасига 250—500 минг м ³ захиралари

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

T/p	Фойдали қазилма	I гурӯҳ	II гурӯҳ	III гурӯҳ	IV гурӯҳ
1	2	3	4	5	6
	3) азотли и метан термал (35°C дан ортиқ) ва кремний (таркибида кремний кислотаси 0,05 г/л дан ортиқ бўлган) турли ион таркибли ва маъданланган сувлар.	—	—	Суткасига 1000 минг m^3 дан зиёд захирали	Суткасига 1000 минг m^3 гача захирали
62.	Термал сувлар (иссан техник сувлар ҳарорати 60° дан зиёд ва маъданланганлиги 10 г/л гача бўлган ёғинларда тушадиган агресив компонентлар ва тузлар бўймаган тақдирда)	—	—	Суткасига 25 минг m^3 да зиёд захирали	Суткасига 10—25 минг m^3 захирали

Изоҳ:

- Суюқ углеводородлар захиралари биргаликда баҳоланади (нефть + конденсат).
- Углеводородлар комплекс конлари бўйича захиралари углеводородлар суммаси бўйича баҳоланади (нефть + газ + конденсат).
- Ер ости сувлари конларини очганлик учун пул мукофоти лойиҳалашда ҳисобга олинадиган захиралардан келиб чиқиб, лойиҳа топшириғида аниқланган эҳтиёжга мувоғиқ белгиланади
- Битта ва худди шу сакланган сув қатламининг захираларини ёнма-ён ёки яқин жойлашган участкалари бўйича, шунингдек ишлаб турган сув чиқариш иншоотлари участкалари бўйича ер ости чучук сувларини қидирганлик ва ҳисоблаб чиққанлик учун пул мукофоти белгиланмайди.
- Шу ёки бошқа ер ости сувларидан фойдаланишни мушкуллаштирадиган иктиносидий омиллар бўлганда (сув чиқариш иншоотининг истеъмолидан анча узоқлиги, сувни истеъмол қилишни чеклайдиган ёки мураккаб тозалаш иншоотларини куриш зарурияти туғдирадиган сув сифатининг ёмонлашуви, сув чиқариш иншоотининг жуда чукурлиги ва бошқалар) пул мукофоти миқдори камаяди.
- Худуд учун ер ости сувларининг танқислик даражаси Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси маълумотномаси билан тасдиқланади.
- Захиралари фойдали қазилмалар миқдори бўйича 1 гурӯҳ конидагидан 2 баравар ва ундан кўп ошадиган конлар бўйича пул мукофоти миқдори захираларнинг кўпайишига мутаносиб равишда оширилиши мумкин.
- Янги ёки илгари маълум бўлган кам учрайдиган ва тарқоқ элементлар (индий, тулий, теллур ва бошқалар), шунингдек қазиб олиш учун мустакил қийматга эга бўлган миқдорда олтин, кумуш ва платина ҳамда ушбу иловада назарда тутилмаган фойдали қазилмалар конларини очганлик учун пул мукофотлари Идоралараро комиссия томонидан белгиланадиган миқдорларда тўланиши мумкин.

+

Саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмалар янги конларини очганлик ёки илгари маълум бўлган конларни (конларнинг участкаларини) тубдан қайта баҳолаганлик учун пул мукофотлари тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмалар янги конларни
(коннинг, фойдали қазилманинг номи) очганлик ёки илгари маълум бўлган конларни
(конларнинг участкаларини) тубдан қайта баҳолаганлик учун пул мукофотига
тавсия этилаётган шахслар рўйхати**

Кон _____ йилда очилган.

Кидирув (қайта баҳолаш) _____ йилда ўтказилган.

Захиралар _____ йилда ўрганиб чиқиш ҳолати бўйича
йилда тасдиқланган.

Сейсмология-қидирув ишлари _____ йилда ўтказилган

T/p	Фамилияси, исми, отасининг исми	Манзили, яшаш жойи	Иш жойи ва эгаллаб турган лавозими		Кон очилган, қидирилган ёки қайта баҳолангандар даврда ишлаган вақти (ишлаган йиллари)	Кон очиш ва қидиришда (қайта баҳолашда) қатнашиш тавсифи ва даражаси	Махсус пул мукофотининг таклиф етилаётган миқдори, сўм
			кон очилган ва қидирилган даврда	ҳозирги вақтда			
1	2	3	4	5	6	7	8

I. Конни очган ва (ёки) қидирган шахслар

II. Кон очилишига олиб келган ер ости бойликларини геологик ўрганиш ишларида бевосита қатнашган ва (ёки) конни қидиришга (тубдан қайта баҳолашга) ва унинг саноатдаги аҳамиятини аниқлашга алоҳида хисса қўшган шахслар

Жами: _____ сўм

Корхона (ташкилот) раҳбари _____

имзо, Ф.И.О. (герблни мухр)

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ПАТЕНТ ИДОРАСИ
ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУФИ

474 Товар келиб чиқсан жой номини ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш хукуқини беришни рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
13 ноябрда 1185-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 23 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида»ги Конунига мувофик **буюраман**:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2002 йил 11 октябрдаги 52-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Товар келиб чиқсан жой номини ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш хукуқини беришни рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари»га (2002 йил 1 октябрь, рўйхат рақами 1185) иловага* мувофик ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
- + 2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган вактдан эътиборан ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат патент
идораси директори**

А. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 17 октябрь,
72-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХҮЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**475 Уруғлик пахта хом ашёси етиштириш миқдорини
аниқлаш ва унга асосан шартномалар тузиш тарти-
би тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
14 ноябрда 1738-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 24 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Уруғлил тўғрисида» ва «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги конунларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 декабрдаги ПҚ-543-сон «2007 йилда пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва ғўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси, 2006 йил 10-сон, 721-модда)ги қарорини бажарилишини таъминлаш мақсадида **қарор қиласиз**:

1. Илова қилинаётган «Уруғлик пахта хом ашёси етиштириш миқдорини аниқлаш ва унга асосан шартномалар тузиш тартиби тўғрисидаги низом» тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 2 октябрь,
89-сон

**Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири**

С. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 2 октябрь,
3/11-сон

Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2007 йил 2 октябрдаги 89, 3/11-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Уруғлик пахта хом ашёси етиштириш миқдорини аниқлаш ва
унга асосан шартномалар тузиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида», «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонунларига ҳамда «2007 йилда пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва ғўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 декабрдаги ПҚ-543-сон (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси, 2006 йил, 10-сон, 721-модда) қарорига мувофиқ, уруғлик пахта хом ашёси етиштириш миқдорини аниқлаш ва унга асосан шартномалар тузиш ҳамда етиштирилган уруғлик пахта хом ашёси учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

I. Уруғлик пахта хом ашёси етиштириш миқдорини аниқлаш

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Ўзпахтасоат» ўюшмаси билан биргаликда республикада охирги 3 йилда уруғлик чигитнинг ҳақиқатдаги сарфидан ҳамда келгуси йил пахта хом ашёсини етиштиришнинг прогноз ҳажмларидан келиб чиқиб, етиштириладиган уруғлик пахта хом ашёсининг асосий ва захира фондлари миқдорини аниқлайди ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳар йили 1 ноябрдан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

2. Уруғлик пахта хом ашёси экиладиган майдон миқдори пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва ғўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида Ҳукумат қарорига мувофиқ белгиланади.

II. Уруғлик пахта хом ашёсини етиштириш учун шартномалар тузиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби

3. Уруғлик пахта хом ашёсининг асосий ва захира фондини етиштирувчи хўжаликлар «Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш хукуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисида низом»га (2006 йил 13 март, рўйхат рақами 1551 — Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 йил, 11-сон, 88-модда) мувофиқ танлов асосида аниқланади.

4. Танлов асосида аниқланган уруғлик пахта хом ашёси етиштирувчи хўжаликлар билан пахта тозалаш корхоналари ўртасида «2004 — 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2003 йил, 20-сон, 200-модда) мувофиқ, уруғлик пахта хом ашёси етиштириб бериш бўйича контрактация шартномалари тузилади ва ушбу шартномада етиштириладиган уруғлик пахта хом ашёсининг асосий ва захира фонди, уруғлик пахта хом ашё-

сининг селекцион нави, авлоди ва миқдори ҳамда пахта уруғчилигига оид бошқа шартлар кўрсатилади.

5. Уруғлик пахта хом ашёсига «1999-2000 йилларда пахта навларини янгилаш ва жойлаштириш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 25 ноябрдаги 491-сон қарорига мувофиқ етиширилган уруғлик пахта хом ашёсидан тайёрланган уруғлик чигит Ўзбекистон Давлат стандарти (O'zDSt-663-2006 «Уруғлик чигит. Техникавий шартлар») талабларига мос бўлганда, пахта хом ашёси қийматига нисбатан супер элита ва элита уруғлик чигит учун 100 фоиз, I-авлод (R_1) учун 75 фоиз, II-авлод (R_2) учун 50 фоиз ва III-авлод (R_3) учун 25 фоиз миқдорида устамалар ҳисобланади.

6. Устамалар етиширилган уруғлик пахта хом ашёсининг асосий фонди миқдорига ҳисобланади ва қуйидаги тартибда икки босқичда ҳисоб-китоб амалга оширилади:

а) биринчи босқичда — топширилган уруғлик пахта хом ашёси учун ҳисобланган устаманинг 50 фоизи миқдорида уруғчилик ҳўжаликларига пахта хом ашёсини пахта тозалаш корхонасига топширган вақтда;

б) иккинчи босқичда — топширилган уруғлик пахта хом ашёсидан тайёрланган ва сифати Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги хузуридаги «Ўздавуруғназоратмаркази» томонидан сертификатланган уруғлик чигит учун бевосита уруғлик етиширувчи ҳўжаликларга ва нав орнинаторлари бўлган илмий муассасаларга ҳамда ургуни тайёрлашда иштирок этган бошқа субъектларга ҳисобланган устаманинг қолган қисми — 100 фоиз деб ҳисобланниб, 10 фоизи уруғчиликни ташкил этишда иштирок этувчи пахта тозалаш корхоналари ихтиёрида қолдирилади, 40 фоизи уруғлик пахта хом ашёсини етиширувчи ҳўжаликларнинг ҳисобварафига ва колган 50 фоизи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги хузуридаги Fўza уруғчилиги республика марказининг ҳисобварафига ўтказилади ва қуйидагича тақсимланади:

Гўза уруғчилиги республика марказига ва унинг вилоят бирлашмаларига ҳамда элита уруғчилиги лабораторияларига — 20 фоиз;

нав орнинаторлари, институтлар, селекционер ва уруғчиликда иштирок этувчи бошқа субъектларга — 30 фоиз.

7. Ўтказиладиган маблағнинг нав орнинаторлари, институтлар, селекционер олимларга тегишли қисми тақсимотида уларнинг тайёрланган пахта уруғлигидаги улуси эътиборга олинади.

8. Нав орнинаторлари, институтлар, селекционер олимлар ва уруғчиликда иштирок этувчи бошқа субъектларга устама маблағлар Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланадиган йиллик харажатлар сметасига ҳамда тегишли ташкилотлар билан тузиладиган шартномаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги хузуридаги Fўza уруғчилиги республика маркази махсус ҳисобварафидан ўтказиб берилади.

9. Зарурий ҳолатларда уруғлик пахта хом ашёсининг захира фондидан тайёрланган уруғлик чигит экиш учун ишлатилиши мумкин. Бу ҳолатда устама ҳақ экилган уруғлик чигит миқдорига мос равишда аниқланган пахта хом ашёси ҳажмига ва бу уруғлик пахта хом ашёсини топширган ҳўжаликларга мутаносиб равишда ҳисобланади ва иккинчи босқичда ушбу Низомнинг 7-бандига мувофиқ белгиланган тартибда тўловлар амалга оширилади.

10. Пахта тозалаш корхоналарида қабул қилинган асосий фонддаги уруғлик пахта хом ашёсидан белгиланган миқдорда уруғлик чигитни дориланган асосий ва захира

жамғармаси тайёрланади ҳамда хўжаликларга экиш учун беришда қўйидаги тартибда хисоб-китоблар амалга оширилади:

асосий жамғармадаги уруғлик чигитнинг баҳоси умумий уруғлик чигит (асосий ва захирадаги уруғлик)ни тайёрлаш учун кетган барча харажатларни хисобга олиб аниқланади ва хўжаликларга ушбу баҳода сотилади;

захира жамғармасидаги уруғлик чигитнинг баҳоси асосий жамғармадаги уруғлик чигит хўжаликларга сотилган вақтдан кейинги даврдаги харажатлар хисобга олиниб аниқланади ва зарурий ҳолатларда хўжаликларга шу баҳода сотилади.

III. Томонларнинг жавобгарлиги ва назорат

11. Белгиланган миқдорда уруғлик пахта хом ашёсини етиштиришга ва уни қайта ишлаб сифатли уруғлик тайёрланишига барча манфаатдор идоралар ва корхоналар ҳамда масъул шахслар «Вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот муассасалари, элита уруғчилик хўжаликлари, пахта етиштирувчи хўжаликлар, ўзга уруғчилиги ва селекциясига алоқадор бўлган мансабдор шахсларнинг якуний натижалар учун жавобгарлиги тўғрисида низом»га (2005 йил 12 февраль, рўйхат раками 1449 — Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005 йил, 7-сон, 60-модда) ва бошқа қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

12. Пахта тозалаш корхоналарига топширилган уруғлик пахта хом ашёси учун хисоб-китобларни тўғрилиги ва ўз вақтида амалга оширилишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси назорат қилади.

+

IV. Якуний қоида

13. Ушбу тартиб 2007 йил пахта ҳосилидан бошлаб татбиқ этилади.

14. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси билан келишилган.

Иқтисодиёт вазири

Б. ХОДЖАЕВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 2 октябрь*

*«Ўзпахтасаноат»
уюшмаси раиси*

Ф. ОМОНОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 2 октябрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚҮМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ
ҚҮМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

476 «Давлат активлари иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналарнинг ҳисоби ва фаолияти мониторингининг ягона тартиби»ни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
16 ноябрда 797-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 26 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Конунининг 6-моддасига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ-335-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси **қарор қиласди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Макроқитисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан 1999 йил 5 июлдаги 2-5-4-54-сон билан ва Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш қўмитаси томонидан тасдиқланган ҳамда Ташки иктисадий алоқалар вазирлиги (1999 йил 6 июлдаги ША-01-01-3472-сонли), Давлат солиқ қўмитаси (1999 йил 9 июлдаги 99-88-сонли) билан келишилган «Давлат активлари иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналарнинг ҳисоби ва фаолияти мониторингининг ягона тартиби» (1999 йил 6 август, рўйхат рақами 797) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

F. ҚУДРАТОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 5 ноябрь,
15-сон

**Давлат мулкини бошқариш
давлат қўмитаси раиси**

Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 5 ноябрь,
01 / 16-18 / 15-сон

Келишилди:

*Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири*

Э. ФАНИЕВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 5 ноябрь*

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. ПАРПИЕВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 5 ноябрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ
ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

**477 1-МОН «Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва жўнатиш
бўйича ҳисобот»ни тўлдириш тартиби тўғрисида
йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқот-
ган деб топиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
16 ноябряда 1066-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 26 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПҚ-66-сон қарори билан тасдиқланган Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси **қарор қиласиди:**

1. Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2001 йил 28 августдаги 8, 9-сон «1-МОН «Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва жўнатиш бўйича ҳисобот»ни тўлдириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор (2001 йил 15 сентябрь, рўйхат рақами 1066 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 17-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

2. Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

F. ҚУДРАТОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 6 ноябрь,
18-сон

**Монополиядан чиқариш, рақобат
ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш
Давлат қўмитаси раиси в.б.**

Б. УЛАШОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 6 ноябрь,
13-сон

+ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ -

**478 Ўзбекистон Республикаси банк тизимида дастурий
таъминотлардан фойдаланишга рухсат бериш тарти-
бини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб
ҳисоблаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
20 ноябрда 856-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 30 ноябрдан кучга киради)

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга муво-
фиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади**:

Марказий банк Бошқарувининг 1999 йил 29 октябрдаги 20/5-сонли «Ўзбекис-
тон Республикаси банк тизимида дастурий таъминотлардан фойдаланишга рухсат
бериш Тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (1999 йил 21 декабрь, рўйхат
раками 856) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 29 сентябрь,
25/3-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Келишилган:

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
«Ўзархив» агентлиги Бош директори*

A. АБДУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 29 сентябрь

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Фан ва технологияларни
ривожлантириши мувофиқлаштириши
қўмитаси ижро аппарати раҳбари*

Э. ЗОХИДОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 29 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

479

**Ўзбекистон Республикаси банк тизимида дастурий
маҳсулотлардан фойдаланиш учун рухсатнома бериш
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
20 ноябрда 1739-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 30 ноябрдан кучга киради)

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қиласди:

1. «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисида»ги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 29 сентябрь,
25/4-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Марказий банки Бошқарувининг
2007 йил 29 сентябрдаги
25/4-сонли карори билан
ТАСДИКЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси банк тизимида дастурий
маҳсулотлардан фойдаланиш учун рухсатнома бериш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси банк фаолиятини тартибга солишга доир меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, банк технологияларини автоматлаштирувчи ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ахборот тизимлари билан функционал ўзаро мувофиқ равишда ишловчи дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш ишларини ташкил этиш, ўрганишнинг мақсади, вазифаси, тамойиллари, иштирокчилари ва тартибини хамда уларни Ўзбекистон Республикаси банк тизими (кейинги ўринларда банк тизими) дастурий маҳсулотлари рўйхатида қайд қилиш қоидаларини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом мақсадлари учун қўйидаги атамалардан фойдаланилган:

дастурий маҳсулот — тижорат банкларида фойдаланишга мўлжалланган, Марказий банкнинг ахборот тизимлари хамда ахборот ресурслари билан ўзаро хамкорликда ишлайдиган дастурий воситалар.

дастурий маҳсулотлар рўйхати — Ўзбекистон Республикаси банкларида фойдаланишга рухсат этилган дастурий маҳсулотларга доир маълумотларни ўз ичига оловчи маълумотлар базаси.

ариза берувчи — дастурий маҳсулотни текширувдан ўтказиш учун ариза берган банк.

Марказий банк рухсатномаси — Марказий банк томонидан ариза берувчига бериладиган ва дастурий маҳсулотнинг банк фаолияти талабларига мослигини ва ундан Ўзбекистон Республикаси банк тизимида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатувчи ҳужжат.

II. Дастурий маҳсулотларни ўрганиш мақсади, вазифаси ва асосий қоидалари

2. Дастурий маҳсулотни ўрганишнинг асосий мақсади — дастурий маҳсулотнинг Ўзбекистон Республикаси банк тизимида қўлланилиш лаёқатлилиги хамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги ўринларда — Марказий банк) талабларига мувофиқлигини аниқлашдан иборатdir.

3. Дастурий маҳсулотни ўрганишнинг асосий вазифалари қўйидагилардир:

а) дастурий маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Марказий банк талабларига жавоб беришини аниқлаш;

б) дастурий маҳсулотни ахборот хавфсизлиги талабларига мослигини аниқлаш;

в) Ўзбекистон Республикаси банкларида ишлатилаётган дастурий маҳсулотларни

тартибга солиш ва сотиб олинадиган ёки ишлаб чиқиладиган янги дастурий маҳсулотларни назорат қилиш.

4. Банк фаолиятини автоматлаштиришга мўлжалланган Марказий банк ахборот тизимлари билан функционал ўзаро мувофиқ равишда ишловчи (ишлаб чиқарилган ёки сотиб олинган) дастурий маҳсулотлар белгиланган тартибда Марказий банк эксперталар комиссияси томонидан ўрганилиши ва банк тизими дастурий маҳсулотлар рўйхатидан ўтказилиши лозим.

5. Марказий банк рухсатномаси бўлмаган дастурий маҳсулотлар тажрибавий синовдан ўтгандан сўнг уч ой муддатда рўйхатга олиниши учун Марказий банкка ариза берувчи томонидан тақдим қилиниши керак.

6. Дастурий маҳсулотлар Марказий банкнинг амалдаги меъёрий хужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда ўрганилади.

7. Қайта ишланган дастурий маҳсулотлар (дастурий маҳсулотларнинг ўзгартирилган ёки янги версиялари) ушбу Низом талаблари асосида қайтадан ўрганилиши лозим.

8. Марказий банкнинг меъёрий хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши оқибатида ўзгартирилган дастурий маҳсулот версиялари бу ўзгартириш ва қўшимчалар кучга кирган пайтдан бошлаб уч ой мобайнида ўрганишга тақдим этилади.

9. Ўрганиш натижасида дастурий маҳсулотдаги ахборот билан ишлаш технология жараёнларининг Марказий банк меъёрий хужжатлари талаблари ва шартлагрига, дастурий маҳсулотнинг ахборот хавфсизлиги талабларига мос эмаслиги, тадбиқ этилаётган дастурий маҳсулотнинг амалдаги тизимга дастур ва ахборот бўйича ўзаро номувофиқлиги аниқланса, бу холат Марказий банк рухсатномасини берилмаслигига асос бўлади.

10. Дастурий маҳсулотлар рўйхатида қайд этилмаган дастурий маҳсулотлардан (5-бандда келтирилган ҳолатдан ташкири ҳолларда) фойдаланганлиги учун банкларга нисбатан амалдаги қонун хужжатлари асосида тегишли чоралар қўлланилиши мумкин.

11. Илгари Марказий банк рухсатномаси берилган дастурий маҳсулотнинг банк тизими меъёрий хужжатлари талабларига мос келмаслиги аниқланганда (ўзгартирилганда ёки янги талаблар қўйилганда), ушбу дастурий маҳсулотлар рўйхатига тегишли белги қўйган ҳолда рухсатнома ҳақиқий эмас деб эълон қилинади ва дастурий маҳсулотдан фойдаланаётган барча банклар хабардор қилинади.

12. Марказий банк рухсатномаси белгиланган намунадаги бланкларда расмийлаштирилади.

13. Марказий банк рухсатномаси белгиланган намунадаги бланкларини сақлаш ва уларнинг рўйхатини юритиш Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти томонидан амалга оширилади.

14. Дастурий маҳсулотни ўрганиш хulosаси бўйича шикоят аризасини бериш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

III. Рухсатнома олиш учун тақдим этиладиган дастурий маҳсулотнинг хужжатлар тўпламига қўйиладиган умумий талаблар

15. Дастурий маҳсулотдан фойдаланувчи банк Марказий банкка дастурий маҳсулотни рўйхатдан ўтказиб бериш учун ариза билан мурожаат қиласи ва унга дастурий маҳсулотнинг хужжатлар тўпламига қўйиладиган умумий талабларни оширилади.

рий маҳсулотнинг намунаси (компьютер ахборотини сақловчи воситадаги нусхаси)ни ҳамда қўидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- а) белгиланган шаклдаги ариза (1-илова);
- б) дастурий маҳсулот хақидаги асосий маълумотлар;
- в) дастурий маҳсулотни кўлланиш шартлари ва талаблари;
- г) дастурий маҳсулот тавсифи;
- д) фойдаланувчи кўлланмаси;
- е) дастурий маҳсулотнинг банқдаги синовлари бўйича хулосаси.

16. Дастурий маҳсулот хақидаги ҳужжатлар тўплами давлат ёки рус тилларида тақдим этилади.

17. Дастурий маҳсулот хақидаги ҳужжатлар мазмунига қўидаги талаблар қўйилади:

- 1) дастурий маҳсулот тўғрисидаги асосий маълумотлар.

Дастурий маҳсулот тўғрисидаги асосий маълумотларда қўидагилар келтирилиши шарт:

- а) дастурий маҳсулотнинг тўлиқ расмий номи;
 - б) дастурий маҳсулотни вазифаси ва қисқача тавсифи;
 - в) дастурий маҳсулотнинг таркибига кирувчи асос қилиб олинган дастурий модуллар рўйхати;
 - г) дастурий маҳсулотнинг яратилган санаси ва версияси;
 - д) дастурий маҳсулотнинг амалга жорий этилиш санаси (агар амалга жорий этилган бўлса);
 - е) ишлаб чиқувчи (етказиб берувчи) тўғрисидаги маълумотлар;
 - ё) дастурий маҳсулотни сотиб олиш (ишлаб чиқиш) шартномаси рақами ва санаси (агар дастурий маҳсулот банк томонидан ишлаб чиқилмаган бўлса);
 - ж) дастурий маҳсулотга эгалик қилиш ёки фойдаланиш хукуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;
 - з) бошқа идоралар томонидан берилган сертификатлар нусхалари;
 - и) дастурий маҳсулотдан фойдаланадиган банк бўлимлари(кодлари);
 - й) кўллаш миқёси (туман, вилоят, республика бўйича).
- 2) дастурий маҳсулотнинг кўлланиш шартларига қўйилган талаблар.

Ушбу ҳужжатда қўидаги асосий қисмлар бўлиши керак:

- а) операцион тизимига қўйилган талаблар;
 - б) маълумотлар базасини бошқариш тизимига қўйилган талаблар;
 - в) дастурий маҳсулотни яратиш маҳсулотларга қўйилган талаблар;
 - г) мижоз учун мўлжалланган қисми ишлайдиган муҳитга қўйилган талаблар;
 - д) сервер учун мўлжалланган қисми ишлайдиган муҳитга қўйилган талаблар;
 - е) дастурий маҳсулотнинг маҳаллий ва кенг қамровли ҳисоблаш тармоқларида ишлаши шартлари;
 - ё) фойдаланувчилар тоифаси рўйхати;
 - ж) хар бир фойдаланувчилар тоифаси малакасига қўйилган талаблари.
- 3) дастурий маҳсулотнинг тавсифи.

Ушбу ҳужжатда қўидаги асосий қисмлар бўлиши керак:

- а) функционал вазифаси;
 - б) мантиқий тизимнинг тавсифи;
 - в) чақириш ва юклариш (ишга тушириш);
 - г) киритиладиган ва дастурий маҳсулотни кўллаш натижасида олинадиган маълумотлар (реквизитлар, жадваллар, массивлар, файллар, ҳисбот шакллари).
- 4) фойдаланувчи учун кўлланма.

Ушбу ҳужжатда қўйидаги асосий қисмлар бўлиши керак:

- а) дастурий маҳсулотни ишлатиш шартлари (маълумотлар ва дастурлар таркиби);
- б) дастурий маҳсулотни ўрганиш (ишлаш қобилиятини ўрганиш);
- в) дастурий маҳсулотни бажарилиши (маълумотларни ва дастурни юклатиш тартиби, иш тартиби);
- г) фойдаланувчига хабарлар бериш.
- 5) дастурий маҳсулотнинг банқдаги синовлари бўйича хулосаси.

Ушбу ҳужжат дастурий маҳсулотнинг ўтказилган синов шароитлари, тартиби ва натижаларини, жумладан, дастурий маҳсулотни ўрганиш натижасида у ҳамма босқичларда ишга лаёкатлилигини исботлайдиган аниқ масалалар рўйхатини ўз ичига олиши керак.

18. Дастурий маҳсулот ҳужжатлари (дастурий маҳсулот тавсифи, фойдаланувчи қўлланмаси) ўрганишдан ўтказилаётган пайтда Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган мезонларга мос равишда расмийлаштирилиши керак.

IV. Рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган дастурий маҳсулотга қўйиладиган умумий талаблар

19. Лицензияга мувофиқлиги, яъни дастурий маҳсулот лицензияли дастурий маҳсулотдан фойдаланган ҳолда ишлатилиши шарт.

20. Маслаҳатлар бериш ва бошқа турдаги ёрдам бериш имкониятлари мавжудлиги.

21. Ҳисоблаш техникасининг тавсифи, жамланмаси, синфи ва турига мослиги.

22. Лингвистик талаблар: дастурий маҳсулот ҳар қандай кўзда тутилган иш жараёнида давлат тилида ишлаши шарт, шу билан бирга зарурият бўлганда бошқа тиллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

23. Дастурий маҳсулот фойдаланилаётган тармоқ(тармоқларига) боғлиқ қабул қилинган кўпчилик фойдаланадиган технологияларидан биттасига мувофиқ келиши лозим (якка фойдаланувчи дастурий маҳсулот бундан мустасно).

24. Ахборотни қисман ёки тўлиқ йўқотилиши ва маълумотлар базаси яхлитлигининг бузилиши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида, фойдаланувчи қилган хатолар, техникавий бузилиш ҳолларида юзага келадиган хатолар ва маълумотлар базаси хатолари вужудга келганда, дастурий маҳсулот хатоларни таҳлил қилиб, фойдаланувчига нима қилиш кераклиги (кейинги ҳаракатлар таърифи) хақида маълумот беришини ҳам кўзда тутиш лозим.

25. Дастурий маҳсулот (дастур кўп фойдаланувчилар мухитида ишлаётганда) таркибида дастурнинг ишлашини назорат қиласидаги модул бўлиши зарур.

26. Дастурнинг ишлашини назорат қиласидаги модул қўйидаги ишларни бажарилишини таъминлаши лозим:

- а) фойдаланувчими идентификация (ҳақиқийлигини аниқлаш), аутентификация (ҳақиқийлигини тасдиқлаш) ва авторизация (ваколатларини белгилаш) қилиш;
- б) дастурий маҳсулот ресурсларидан фойдаланиш назорати;
- в) дастурий маҳсулотдаги ҳолатларни рўйхатга олиш ва таҳлил қилиш;
- г) дастурий маҳсулот ресурсларининг яхлитлигининг назорати.

27. Дастурий маҳсулот ишлашидан натижавий шаклланган маълумотларга тўғридан-тўғри ўзгартиришлар киритиш имкониятидан химояланган бўлиши зарур.

28. Дастурий маҳсулот киритилаётган маълумотларнинг тўлиқлиги ва аниқлигини назорат қилиши зарур.

29. Дастурий маҳсулотда қўшимча хисоботлар олиниши кўзда тутилиши мумкин, аммо бу маълумотлар базаси яхлитлигининг бузилишига олиб келмаслиги ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига зид бўлмаслиги керак.

30. Дастурий маҳсулотда Марказий банкнинг Интеграллашган ахборот-таҳлий тизими таркибига киравчи ахборот тизимлари ҳамда ахборот ресурслари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш шартларига қўйиладиган талаблар хисобга олиниши керак. Жумладан:

- Марказий банкнинг банкларо тўлов тизими;
- банк депозиторлари миллий ахборот базаси;
- Кредит ахбороти миллий институти ахборот тизими;
- банк тизимининг ахборот омборхонаси;
- электрон маълумотномалар ахборот тизими.

V. Дастурий маҳсулотларни ўрганиш бўйича ишларни ташкил қилиш тартиби

31. Дастурий маҳсулотни ўрганиш ишлари қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1) ҳужжатларни қабул қилиш ва аризани рўйхатга олиш:

а) ҳужжатлар Марказий банкнинг Котибияти орқали Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаментига жўнатилади;

б) Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти 17-бандда кўрсатилган ҳужжатлар тўпламини кўриб чиқади;

в) дастурий маҳсулотга доир ҳужжатлар тўплами тўлиқ бўлган тақдирда дастурий маҳсулот ўрганишга бериладиган ариза (1-Илова) рўйхатдан ўтказилади акс ҳолда барча ҳужжатлар ариза берувчига қайтарилади.

2) ўрганиш ишларини ташкил қилиш:

а) Марказий банкнинг Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти, Ахборотлаштириш Бош Маркази, Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти ва бошқа бўлинмалари раҳбарлари ихтиёрига кўра кўрсатилган мутахассислардан иборат эксперталар рўйхатини белгилаш ишларини Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти ташкил этади. Эксперталар рўйхати бир йилда камида бир маротаба кўриб чиқилади ва Марказий банк Раисининг ахборотлаштириш масалаларига раҳбарлик қилувчи ўринbosари томонидан тасдиқланади;

б) ариза рўйхатдан ўтказиландан кейин Эксперталар комиссияси дастурий маҳсулотга тегишли барча ҳужжатларни таҳлил қиласи;

в) дастурий маҳсулотни ўрганиш ишлари ариза берувчининг иш жойида ўтказилади;

г) ариза берувчи дастурий маҳсулотини синов ёки амалдаги маълумотлар асосида тўлиқ синовдан ўтказиш учун керакли техник жиҳозлардан иборат пешлавҳа(стенд) қўринишидаги тўпламни тақдим этади;

д) дастурий маҳсулот синовдан ўтганлиги тўғрисидаги эксперталар комиссияси хулосаси расмийлаштирилади.

3) Марказий банк рухсатномасини расмийлаштириш ва тақдим этиш:

а) дастурий маҳсулотни ўрганиш тугаганидан сўнг, эксперталар комиссиясининг ижобий хулосасига асосан, Марказий банк Раисининг ахборотлаштириш масалаларига раҳбарлик қилувчи ўринbosари ариза берувчига Марказий банк рухсатномаси (2-илова)ни бериш тўғрисида Қарор қабул қиласи;

б) акс ҳолда ариза берувчига дастурий маҳсулотни банк тизими талаблари ва

шартларига мос эмаслигини кўрсатувчи экспертлар комиссияси хulosаси тақдим этилади.

4) дастурий маҳсулотни дастурий маҳсулотлар рўйхатида қайд этиш.

32. Дастурий маҳсулотни ўрганиш муддати — ариза рўйхатга олинган кундан бошлаб бир ой.

33. Дастурий маҳсулотни синовдан ўтказиш пайтида ахборотнинг етишмаслиги аникланиб, қўшимча маълумотлар кераклиги экспертлар комиссияси томонидан асосланган холатларда, қўшимча маълумотлар олинганидан сўнг, бир ой муддат ичидаги ўрганиб чиқилади.

34. Ўрганиш натижалари ижобий бўлганда дастурий маҳсулот Марказий банк дастурий маҳсулотлар рўйхатида қайд этилади ва Марказий банк рухсатномаси тақдим этилади.

VI. Дастурий маҳсулотлар ҳақидаги ҳужжатлар тўпламини сақлаш тартиби

35. Ўрганиш учун тақдим этилган дастурий маҳсулот ҳақидаги ҳужжатлар тўпламининг нусхаси ўрганиш натижаларидан қатъи назар, ариза берувчига қайта-рилмайди ва Марказий банк архивида қолдирилади.

36. Дастурий маҳсулот ҳақидаги ҳужжатлар тўплами ва дастурий маҳсулотнинг намунаси (компьютер ахборотини сақловчи воситадаги нусхаси) «Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатини қўллаш бўйича кўрсатма» (2000 йил 26 июль, рўйхат раками 951)да белгиланган муддатларга мувофиқ сақланади.

VII. Дастурий маҳсулотлар рўйхатини юритиш шартлари ва мақсадлари

37. Дастурий маҳсулотлар рўйхатини олиб боришдан асосий мақсад — Ўзбекистон Республикаси банкларида фойдаланилаётган дастурий маҳсулот хисобини юритиш ва улар устидан назоратни таъминлаш, сақлаш, дастурий маҳсулот ҳақида маълумотларни тўплаш, дастурий маҳсулот ҳақида тўлиқ маълумот тақдим этиш билан ахборот хизматини кўрсатишдан иборат.

38. Дастурий маҳсулотларни рўйхатга олиш Марказий банк Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти томонидан амалга оширилади.

39. Дастурий маҳсулотлар рўйхати маҳсус (тиклиган, рақамланган, Марказий банк котибияти раҳбари имзоси ва муҳри билан тасдиқланган) китобда қайд қилиб борилади.

40. Дастурий маҳсулотлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси банк тизимида фойдаланиш учун Марказий банк рухсатномаси берилган дастурий маҳсулот ҳақидаги маълумотлардан иборат.

41. Марказий банкнинг Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти Дастурий маҳсулотлар рўйхатининг сақланиши ва уни долзарб ҳолатда сақлаб туриш учун жавобгардир.

VIII. Дастурий маҳсулотлар рўйхатининг таркиби ва тузилиши

42. Дастурий маҳсулот 16-бандда келтирилган маълумотлар асосида ўзига хос тартиб рақам билан рўйхатга олинади.

43. Дастурий маҳсулотлар рўйхати маълумотлар базасида қўйидаги маълумотномаларнинг бўлиши кўзда тутилган:

- а) Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган банклар бўйича маълумотнома;
- б) банкларнинг бўлим ва бўлинмалари бўйича маълумотнома;
- в) мамлакатлар бўйича маълумотнома;
- г) Республикадаги туман ва вилоятлар бўйича маълумотнома.

IX. Дастурий маҳсулотлар рўйхатидан фойдаланишни ташкил этиш

44. Марказий банкнинг Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти дастурий маҳсулотлар рўйхатида қайд қилинган дастурий маҳсулотлар ахборотномасини тижорат банклари ва Марказий банк таркибий бўлинмалари томонидан келиб тушган аризалар асосида электрон ҳамда ёзма шаклларда тарқатиб туради.

X. Дастурий маҳсулотларни ўрганиш бўйича эксперталар комиссияси аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

45. Марказий банкнинг Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти дастурий маҳсулотларни ўрганиш ишлари (хужжатларни қабул қилиш, ўрганиш ишларини ташкил қилиш, дастурий маҳсулотни дастурий маҳсулотлар рўйхатида қайд этиш ва Марказий банк рухсатномасини бериш)ни ташкил қиласди.

46. Марказий банкнинг Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти директори дастурий маҳсулотни ўрганиш ишларини ўтказишга масъулдир.

47. Эксперталар комиссияси ўрганиш натижаларининг холисоналиги учун жавобгардирлар.

48. Дастурий маҳсулотни ўрганиш пайтида ариза берувчининг мутахассислари кузатувчи сифатида қатнашиши мумкин.

49. Ариза берувчи дастурий маҳсулотга доир хужжатларнинг тўғрилиги ва уларни расмийлаштириш қоидаларига риоя қилиниши учун жавобгардир.

50. Дастурий маҳсулотни ўрганивчи экспертлар комиссияси аъзолари тақдим этилган дастурий маҳсулотларнинг намуналари (компьютер ахборотларини сакловчи маҳсулотдаги нусхалари)ни ва ўрганиладиган дастурий маҳсулот ҳақидаги хужжатларни учинчи шахсга бермаслик мажбуриятини зиммаларига оладилар.

XI. Якуний қоидалар

51. Ушбу Низом Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишилган.

*Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш агентлиги
Бош директори*

А. АРИПОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 29 сентябрь*

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида
дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш
учун рухсатнома бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Тўлов тизими ва ахборотлаштириш депар-
таментига

Ариза берувчи муассасанинг номи,
манзили ва тўлиқ реквизитлари

АРИЗА

дастурий маҳсулотнинг номи

дастурий маҳсулотни белгиланган тартибда ўрганиб чиқиб, банк фаолиятида мазкур дастурий маҳсулотдан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банк рухсатини беришингизни сўраймиз.

Дастурий маҳсулотнинг асосий тавсифи илова қилинади:
Илова:

- 1. Дастурий маҳсулотнинг намунаси (компьютер ахборотларини сақловчи маҳсулотдаги нусхаси); +
 2. Дастурий маҳсулот ҳақидаги асосий маълумотлар (бетдан иборат);
 3. Дастурий маҳсулотни қўллаш шарт-шароитларига қўйилган талаблар (бетдан иборат);
 4. Дастурий маҳсулот таърифи (бетдан иборат);
 5. Фойдаланувчилар қўлланмаси (бетдан иборат);
 6. Дастурий маҳсулотнинг банкда синовдан ўтказилганлиги тўғрисидаги хулоса (бетдан иборат).

Ариза берувчи муассаса раҳбари
Исми, шарифи

Сана ва имзо

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида
дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш учун
рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги
низомга
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида

«Дастурий маҳсулотнинг номи»

**дастурий маҳсулотни қўллаш учун
№ _____ сонли**

РУХСАТНОМА

200__ й. «____» _____ да

ишилаб чикувчининг (етказиб берувчининг) номи

+

манзили

_____ томонидан ишилаб чиқилган (етказиб берилган),
версияли _____ дастурий маҳсулотнинг номи

-

ўрганиб чиқилди ва у Марказий банк меъёрий хужжатлари талабларига жавоб
бериши тасдиқланади.

Марказий банк раиси ўринбосари

Ф.И.Ш

200__ й. _____ да
Дастурий маҳсулотлар рўйхатида
_____ ракам билан қайд этилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚҮМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИННИГ

ҚАРОРИ

480 Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда кўлланиладиган хужжатларнинг бошқа намунивий шаклларини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
21 ноябрда 1740-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 1 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги, «Электрон хужжат айланиши тўғрисида»ги қонунларини амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2007 йил 30 январдаги 21-сонли «Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 1-бандига мувофиқ ҳамда замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон савдони ривожлантириш максадида қарор қиласиз:

1. Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда кўлланиладиган хужжатларнинг бошқа намунивий шаклларини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Э. ФАНИЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 5 октябрь,
ЭГ-01/10-5248-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 5 октябрь,
01-02/6-28-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 5 октябрь,
2007-55-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар
ва савдо вазирлиги, Давлат божхона
қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг
2007 йил 5 октябрдаги ЭГ-01 / 10-5248,
01-02 / 6-28, 2007-55-сон карори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда
қўлланиладиган хужжатларнинг бошқа намунавий шаклларини
тайёрлаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январдаги 21-сонли «Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган хужжатларнинг бошқа намунавий шаклларини тайёрлаш талабарини белгилайди.

**I. Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратни
амалга оширишда хужжатларнинг бошқа намунавий шаклларига
қўйиладиган умумий талаблар**

1. Электрон тижоратда контрактлар томонларнинг контракт шартларини келиши ва электрон хужжатни электрон тижорат томонлари ўртасида уларни алмасиши (номуайян шахслар доирасига ёзиш ёки жўнатиш) йўли билан шакллантириш орқали расмийлаштирилади.

Электрон хужжатларни шакллантиришда томонларнинг келишуви бўйича умумий қабул қилинган ва норматив хукуқий хужжатларда белгиланган тижорат фаолиятида қўлланиладиган (хат, огохлантириш, маълумот, рўйхатли ёзув, оферта, акцепт, шартнома, битим, баённома ва бошқа хужжат турлари), матнли ёки бошқа хужжатли маълумот (ёзув, хабар, файл, сайт, маълумотлар базаси, маълумотлар базасида ёзув) айланиши ва электрон намойишнинг хар қандай мумкин бўлган шакллари (форматлар)дан фойдаланилиши мумкин.

Электрон хужжатларни шакллантиришда унинг электрон намойишида фойдаланиладиган шакллар (форматлар) аник узатиш ва хужжат олиш, уни қайта ишлаш, хужжатнинг тўлиқлигини ва мақсадини текшириш имконияти, сақлаш ва ахборот тизимида қидириш, шунингдек жўнатувчининг идентификациясини, тузиши ва олиш вақти, намойиш этиши ва хужжатли ахборотни бир хилда тушунишни таъминлаши керак.

2. Электрон тижоратда контрактлар ва электрон тижоратни расмийлаштириш ва амалга ошириш билан боғлиқ электрон хужжатларнинг бошқа намунавий шакллари мазмуни ва шакли бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектлари томонидан тузиладиган экспорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни рўйхатга олиш ва импорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (2006 йил 3 июль, рўйхат рақами 1588) ва бошқа норматив-хукуқий хужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

3. Электрон тижоратни амалга оширишда конун ёки бошқа норматив-хукуқий

хужжат ёки томонларнинг келишуви хужжатни ўз имзоси билан тасдиқлашни талаб қиласа, электрон хужжат агар электрон тижорат томонлари Электрон ракамли имзони (кейинги ўринларда ЭРИ деб юритилади) ўрнатиш процедураси бажарганидан сўнг имзоланган деб хисобланади.

4. Электрон хужжат электрон тижорат томонлари тарафидан тан олинади, агар: Электрон хужжатда ЭРИ асиллиги тасдиқланса;

ЭРИ калити сертификати ЭРИ асиллиги тасдиқланадиган вақтда ёки электрон хужжатни имзолаш вақтида имзолаш вақтини аниқловчи далиллар мавжуд бўлганда;

ЭРИ электрон хужжатда ЭРИ калити сертификатида кўрсатилган мақсадларда фойдаланилади.

5. Конун ёки бошқа норматив-хукукий хужжат контракт ёки бошқа хужжат қоғозда такдим этилишини ёки сақланишини талаб қилган ҳолда, ушбу талаб электрон хужжатга нисбатан бажарилган хисобланади, агар:

ЭРИ рўйхатдан ўtkазиш Маркази томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари бўйича электрон хужжатларда ЭРИ асиллиги тасдиқланган бўлса;

ЭРИ рўйхатдан ўtkазиш Маркази томонидан ЭРИ имзоланган қоғозда электрон хужжатлар нусхалари гувоҳлантирилган бўлса.

6. ЭРИ хужжатда электрон хужжатнинг бошқа томон ёки учинчи шахслар олдидаги тўликлиги, аниқлиги ва хужжатли ахборотини ўзгармаслигини таъминловчи химоялаш процедуралари билан функционал бирлашиши мумкин.

7. Контрактга кўшимча талаблар кўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

а) контракт ва томонларнинг контракт бўйича мажбуриятларини ижро этиш билан боғлиқ бошқа хужжатларни имзолаш усули;

б) томонлар ўртасида контракт бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда электрон хужжатларни алмашиб тартиби;

в) ЭРИдан фойдаланиш ёки хужжатни имзолаган ваколатли шахсни идентификациялаш, шунингдек хужжатнинг аниқлигини текшириш тартиби;

г) электрон хужжатларга ҳавола ва кўрсатиличлар контрактга киритиладиган томонлар белгилаган ахборот тизимида мавжуд ёки Интернет тармоғидаги сайтда, бошқа очик ёки корпоратив тармоқларда белгиланган;

д) томонлар ёзишмалари тартиби ёки контракт бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бошқа хужжатли ахборотни сақлаш;

е) томонларнинг ўз персонал маълумотларига, ёзишмалар ва контракт бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бошқа хужжатли ахборотларга киришини таъминлаш тартиби.

8. Контрактнинг баъзи шартлари томонларнинг келишилган харакати бўйича белгиланган шаклда (форматда)ги томонларнинг бирини ахборот тизимидағи маълумотлар базасига киритиладиган контрактнинг ажралмас қисми сифатида алоҳида электрон хужжат билан расмийлаштирилиши мумкинлиги контрактда назарда тутилиши мумкин.

9. Контрактда томонлар контрактни имзолагандан ва расмийлаштиргандан кейин юридик кучга эга бўлган ва баҳслар юзага келганда томонлар унга ҳавола этиши мумкин бўлган нусха сифатида ахборот тизими маълумотлар базасига ёки бошқа ишончли томонга (Интернет тармоғи орқали киришни таъминлаш орқали) сақлаш учун юбориши назарда тутилиши мумкин.

Бунда контракт шартларига кўшимча равишида кўйидагилар киритилиши лозим:

а) томонлардан бирининг сақлаш шартномасини тузиш мажбурияти ва уни тузиш тартиби;

- б) сақлаш ва сақлаш учун берилган ҳужжатга томонларнинг кира олиши шартлари;
- в) ҳужжатнинг жойлашган жойига ҳавола.

II. Контрактдаги томонлар тўғрисида маълумот

10. Ўз номидан муайян шахслар доирасига оферта юбориш ёки оферта таклиф қилишда сотувчилар, етказиб берувчилар, ижро этувчилар ва электрон тижоратнинг бошқа томонлари ўзи ҳақида ахборот тақдим этишга мажбурдирлар.

11. Электрон тижоратда иштирок этувчи томон тўғрисидаги ахборот қўйидаги мажбурий маълумотларни ўз ичига олади:

- а) юридик якка тартибдаги ташкилий-хукукий шакли кўрсатилган тўлиқ номи ёки хусусий тадбиркорнинг фамилияси, исми ва шарифи;
- б) юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг манзили ва давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида маълумот, солик тўловчининг идентификацион рақами, электрон манзили, поча манзили ва телефони ҳамда агар мавжуд бўлса, сайтининг номи;
- в) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган ҳолатларда — лицензия мавжудлиги тўғрисида маълумот (лицензияловчи органнинг номи, унинг муддати, лицензия рақами);
- г) таклиф қилинадиган ёки буюртма бериладиган маҳсулотлар, ишлар ёки хизматлар рўйхати, уларни тақдим этиш шартлари;
- д) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва савдо қоидаларида назарда тутилган ҳолатларда — маҳсулотлар, иш ва хизматларнинг сертификатланганлиги тўғрисида гувоҳномалар;
- е) ҳисоб-китоб тартиби;
- ж) банк реквизитлари;
- з) электрон тижоратни расмийлаштириш ва амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар;
- и) ЭРИ сертификатининг рўйхат рақами, гувоҳнома берган марказнинг реестридаги имзо калити сертификатининг амал қилишининг бошланиш ва тугаш вакти;
- й) ушбу очиқ калитли электрон рақамли имзо фойдаланиладиган электрон рақамли имзо воситаларининг номи;
- к) ЭРИ сертификатини берувчи гувоҳнома берган ЭРИни рўйхатдан ўтказиш Марказининг номи ва жойлашган жойи;
- л) электрон ҳужжат электрон рақамли имзо билан юридик аҳамиятга эга бўладиган муносабатлар тўғрисидаги маълумотлар.

12. Сотиб олувчи ёки буюртмачи тўғрисидаги ахборот қўйидагиларни ўз ичига олади:

- а) юридик шахснинг ташкилий-хукукий шакли кўрсатилган тўлиқ номи ёки хусусий тадбиркорнинг фамилияси, исми ва шарифи;
- б) юридик шахс ёки хусусий тадбиркорнинг манзили ва давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида маълумот, солик тўловчининг идентификацион рақами, электрон манзили, поча манзили ва телефони ҳамда агар мавжуд бўлса, сайтининг номи;
- в) истеъмолчининг шахсий маълумотлари тўғрисида ахборот;
- г) электрон тижоратни амалга оширишда зарур бўлган бошқа маълумотлар;
- д) ЭРИ сертификатининг рўйхат рақами, гувоҳнома берган марказнинг реестридаги имзо калити сертификатининг амал қилишининг бошланиш ва тугаш вакти;

е) ушбу очиқ калитли электрон рақамли имзо фойдаланиладиган электрон рақамли имзо воситаларининг номи;

ж) ЭРИ сертификатини берувчи гувоҳнома берган ЭРИни рўйхатдан ўтказиш Марказининг номи ва жойлашган жойи;

з) электрон ҳужжат электрон рақамли имзо билан юридик аҳамиятга эга бўладиган муносабатлар тўғрисидаги маълумотлар.

13. Электрон тижоратда истеъмолчининг шахсий маълумотлари тўғрисидаги ахборот, факат уларсиз сотувчи амалга оширилаётган электрон тижорат бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Истеъмолчининг шахсий маълумотлари тўғрисидаги ахборот қўйидагиларни ўз ичига олади:

а) фамилияси, исми, шарифи;

б) телефон рақами;

в) электрон манзили (e-mail);

г) манзили (етказиб бериш, яшаш);

д) банк ҳисоб рақами, банк картаси ёки бошқа тўлов воситаларининг реквизитлари;

е) солиқ тўловчининг идентификацион рақами;

ж) электрон тижорат бўйича мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

14. Банкдан ташқари тизимда чакана тўловларни амалга оширишда мазкур Низомнинг 11-бандда кўрсатилган маълумотлардан ташқари қўйидаги маълумотлар талаб қилинади:

— а) кўрсатиладиган молиявий хизматлар рўйхати, уларни тақдим этиш шартлари;

б) фойдаланувчиларни рўйхатга олиш тартиби;

в) ҳисоб-китоб тартиби;

г) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тўлов ўтказиладиган ташкилот ва/ёки тўлов тизими аъзоларининг лицензияси мавжудлиги тўғрисида маълумот (лицензия рақами, амал қилиш муддати, лицензияловчи органнинг номи).

15. Электрон тижорат ташкилотчиси тўғрисида ахборот ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатиб ўтилган маълумотларга қўшимча равишда электрон тижоратни амалга ошириш қоидаларини ўз ичига олиши керак.

16. Ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган, электрон процедураларни таъминлаш бўйича битим томонларига хизмат кўрсатувчи давлат ва бошқа нодавлат муассаса ва ташкилотлари тўғрисидаги ахборот ўз ичига хизматлардан фойдаланиш тартиби ва қоидаларини, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда — лицензия мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни (лицензия рақами, амал қилиш муддати, лицензияловчи органнинг номи) олиши керак.

III. Электрон тижорат доирасида амалга ошириладиган электрон операциялар ва тадбирлар

17. Электрон тижорат томонлари агарда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўзгача тартиб белгиланган бўлмаса, ўзаро келишган ҳолда қўйидагиларни белгилайди:

а) ҳар қандай алоқа воситалари орқали электрон ҳужжатларни алмашиш тартибини;

- б) контрактни тузиш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш тартиби;
- в) электрон имзони ўрнатиш усули ва фойдаланиш тартиби;
- г) офертани жойлаштириш, жўнатиш ва қабул қилиш тартиби;
- д) акцептни жўнатиш ва чақириб олиш тартиби;
- е) ахборотнинг аниқлигини текшириш тартиби;
- ж) томонларнинг ахборот тизимини таъминлаш дастурларидан фойдаланиш тартиби.

18. Электрон тижоратни расмийлаштириш бўйича томонларнинг электрон процедуралари контрактни тўлалигича ёки унинг алоҳида шартларини, тузишнинг ва электрон тижоратни амалга оширишнинг (ёзишув) алоҳида элементларини келишиш бўйича электрон хужжатлар алмашинувини ўз ичига олиши мумкин. Шунингдек, қонунда, бошқа норматив-хукукий хужжатларда ёки томонларнинг келишувига мувофиқ, аниқ турдаги хужжатларнинг мазмунини расмийлаштириш бўйича белгилangan талаб ва қоидаларга риоя этилиши лозим.

19. Электрон тижоратда электрон хужжатларни (маълумотларни) алмасиша бўйича томонларнинг электрон процедуралари сотувчи томонидан оферта тартибида тақдим этиладиган ва агарда акцепт шакли ва уни юбориш процедуралари белгиланган бўлса, олувчи (буортмачи) томонидан ҳеч қандай ўзгартириш ва қўшимча шартларсиз қабул қилинадиган контрактни расмийлаштиришни ўз ичига олиши мумкин. Бунда шартнома турлари бўйича фуқаролик қонунчилигининг барча талабларига риоя этилиши лозим.

IV. Тўлов тизими субъектлари

+ 20. Электрон битим томонлари электрон тижорат ва тўлов тизими субъектлари ўртасида тузилган келишув белгилangan уларнинг мажбуриятлари доирасида тўлов тизими субъектлари билан ҳисоб-китобни амалга оширишлари мумкин.

- 21. Тўлов тизимидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ва банк операцияларини амалга ошириш ҳамда умумий ташкиллаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка зид келмаслиги лозим.

V. Якуний қоидалар

22. Ушбу Низом Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

*Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш
агентлиги Бош директори*

A. АРИПОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 4 октябрь*

*Марказий банк
Бошқаруви раиси*

Ф. МУЛЛАЖНОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 4 октябрь*

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2007 йил 10 ноябрдан 23 ноябрча бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Товар келиб чиқсан жой номини ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришни рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиши қоидаларига ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2007 йил 17 октябрдаги 72-сонли бўйргуи.

2007 йил 13 ноябрда 1185-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 23 ноябрдан кучга киради).

2. «Уруғлик пахта хом ашёси етиштириш миқдорини аниқлаш ва унга асосан шартномалар тузиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2007 йил 2 октябрядаги 89, 3/11-сонли қарори.

2007 йил 14 ноябрда 1738-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 24 ноябрдан кучга киради).

3. «Давлат активлари иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналарнинг ҳисоби ва фаолияти мониторингининг ягона тартиби»ни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 5 ноябрдаги 15, 01/16-18/15-сонли қарори.

2007 йил 16 ноябрда 797-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 26 ноябрдан кучга киради).

4. «1-МОН «Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва жўнатиш бўйича ҳисобот»ни тўлдириш тартиби тўғрисида йўрикномани тасдиқлаш хақида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Монополиядан чиқарии, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2007 йил 6 ноябрдаги 18, 13-сонли қарори.

2007 йил 16 ноябрда 1066-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 26 ноябрдан кучга киради).

5. «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида дастурий таъминотлардан фойдаланишга рухсат бериш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш хақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 29 сентябрдаги 25/3-сонли қарори.

2007 йил 20 ноябрда 856-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 ноябрдан кучга киради).

6. «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 29 сентябрдаги 25/4-сонли қарори.

2007 йил 20 ноябрда 1739-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 ноябрдан кучга киради).

7. «Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган хужжатларнинг бошқа намунавий шаклларини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида»ги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 5 октябрдаги ЭГ-01/10-5248, 01-02/6-28, 2007-55-сонли қарори.

2007 йил 21 ноябрда 1740-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 1 декабрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Давлат активлари иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналарнинг хисоби ва фаолияти мониторингининг ягона тартиби. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат мулкини бошқарши ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаши қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 797, 1999 йил 6 август).

Адлия вазирининг 2007 йил 16 ноябрдаги 221-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. 1-МОН «Махсулотни ишлаб чиқариш ва жўнатиш бўйича ҳисобот»ни тўлдириш тартиби тўғрисида йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Монополиядан чиқарии ва рақобатни ривожлантириши давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1066, 2001 йил 15 сентябрь).

Адлия вазирининг 2007 йил 16 ноябрдаги 222-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида дастурий таъминотлардан фойдаланишга рухсат бериш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 856, 1999 йил 21 декабрь).

Адлия вазирининг 2007 йил 20 ноябрдаги 223-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. Нефть ва газ кудукларини қуриш, ишлатиш ва таъмирлаш жараёнида газ, нефть ва сувни отилиб чиқишини ва очик фаввораларни олдини олиш йўриқномаси. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиги томонидан тасдиқланган.

2. Нефть ва газ кудукларида отилиб чиқсан ва очик фаввораларни бартараф қилиш ишларини ташкил этиш ва хавфсиз олиб бориш бўйича йўриқнома. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиги томонидан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник хужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

—

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ХУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚҲММБ LexUz) аҳолининг хуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-хуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни хуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш массадидага яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚҲММБда Интернет орқали фойдаланиши имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-хуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик маҳсил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумхуқуқий классификатори бўйича;

— қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;

— тушиунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;

— алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпmezонли, кенгкамровли қидириши имконини беради.

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишсида акс эттирилади ва улар билан ишилшининг қўйидаги имкониятлари мавжуд:

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаши;

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гурухлаши;

— ҳужжатлар билан ишилди учун натижавий жадвалда уларни танлаши;

— излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиши;

— ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриши;

— ҳужжат матнини алоҳидаги ойнада очиши;

— ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;

— «Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент / респондент ҳужжатлар рўйхати;

— ҳужжат таркибida расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушиунириши ва изоҳлар каби) акс эттириши;

— ҳужжат таркибida матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириши;

фойдаланувчи ишилган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиши ва бунда:

— танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиши;

— излаш шартларини сақлаб қолиши;

— фойдаланувчи ишилган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаши;

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориши;

базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаши.

WWW.LEX.UZ
сайтига марҳамат қилинг

—

+